

Муқаддам тўрт марта судланган, сўнгги ахлоқ тузатиш ишлари жазосини яқинда ўтаб бўлган Акмалжоннинг ҳам кайфи тароқ, ароқ ичиб олган, гап уқадиган аҳволда эмасди. Ўзича, укамга қўл кўтаргани соғ қўймайман, дея ошхона пичоғини қўйнига яшириб, Усмон аканинг ортидан кўчага чиқди...

8 бет

— Кечирасиз, мен сўраган пулингизни беролмайман, — деди қатъий оҳангда. — Бермайсиз! Унда марҳамат, мана қоғоз-қалам, ишдан бўшаш ҳақида ариза ёзинг, — деди Санобар ҳам тик боқиб. — Ишлайман десангиз, тартиб шу. Бўлмаса жойини бўшатиб қўйинг, ўрнингизга кўз тикканлар кўп...

11 бет

Mustaqillik huquq demakdir

Нидо



1997-yil 27-avgustdan chiqqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2016-yil 12-may, №19 (1008)

Бош прокуратурада

Тантанали тадбир

Аждодлар хотирасини ёд этиб, уларнинг эзгу ишларини давом эттириш, юртимиз тинчлиги ва раўнақи йўлида хизмат қилган кексаларга алоҳида ҳурмат-этибор кўрсатиш мамлакатимизда миллий қадрият даражасига кўтарилган. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан кенг нишонланаётган Хотира ва қадрлаш кўни мазмун-моҳиятида ҳам ана шундай эзгу тамойиллар ўз ифодасини топган.

Зафар БОЙСИНОВ,
Бош прокуратура бошқарма прокурори

ва меҳнат фахрийлари хотирасига юксак эҳтиром билдирди.

Шундан сўнг, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноятларни фош этиш, тергов сифати ва самарадорлигини ошириш, жазо муқаррарлигини таъминлаш юзасидан хизмат вазифаларини намунали бажарган ходимларни тақдирлаш маросими ўтказилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органларида аъъанавий тарзда ўтказиб келинаётган танловда Наманган ҳарбий прокурори Шукржон Тошматов "Йилнинг энг яхши прокурори", Бош прокуратуранинг уюшган жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бошқармаси алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчиси Муроджон Хақимов "Йилнинг энг яхши терговчиси" ва Олмазор туман прокурорининг катта ёрдамчиси Гулруҳ Салимова "Йилнинг энг яхши давлат айбловчиси" деб топилди.

Шунингдек, Хотира ва қадрлаш кўни арафасида Бош прокуратурада ўтказилган теннис ва мини-футбол бўйича мусобақаларда совринли ўринларни эгаллаган ходимларга мукофотлар топширилди.

Тадбир сўнггида прокуратура органларида мустақил лавозимга тайинланган ёш мутахассисларнинг тантанали қасамёд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди.

Зеро, бу айёмда бугунги тинч-осойишта ҳаёт, тўқинлик ва фаровонликка қандай оғир синов ва машаққатлар эвазига эришилгани хаёлимиздан ўтади. Шу йўлда қурбон бўлган миллионлаб юртдошларимиз хотирасига таъзим қиламиз. Бизга насиб этган мустақиллик, тинчлик ва осойишталикнинг аҳамиятини янада тегаранг англаймиз.

Тадбир



Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан болаларни соғломлаштириш, микронутриент етишмовчилиги туфайли келиб чиқадиган ҳамда паразитологик касалликларнинг олдини олиш мақсадида Соғлом бола ҳафталиги ташкил этилди.

Соғлом бола ҳафталиги бошланди

Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда озик-овқат хавфсизлиги таъминлангани, репродуктив саломатлик мустаҳкамланаётгани самарасида микронутриент етишмовчилиги туфайли юзага келадиган касалликларнинг олди олинмоқда. "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури доирасида аҳоли ўртасида тиббий маданиятни ошириш, ёш оналар ва болаларни талаб даражасида парвариш қилиш, уларнинг овқат рационини тўғри шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда ўн уч йилдан буён А витамини сапленментацияси дастури амалга оширилмоқда. Ҳар йили 6 ойликдан 5 ёшгача бўлган болаларга умумий амалиёт шифокори, патронаж ҳамшира ҳамда мактабгача таълим муассасаларида фаолият юритаётган тиббиёт ходимлари назорати остида А витамини ичирилмоқда. Бунинг натижасида микронутриент танқислиги туфайли келиб чиқадиган касалликлар кескин камаймоқда.

Гижжалар овқатнинг тўла ўзлаштирилиши ва организмнинг тўқис ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Ушбу касалликнинг олдини олишда профилактика муҳим ўрин тутди. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг маълум қилишларича, жорий йилдан бошлаб, Соғлом бола ҳафталиги доирасида тўрт миллионга яқин болага А витамини билан бирга гижжаларга қарши "Верморекс" дори препарати ҳам берилмоқда.

Мазкур тадбирларни ташкил этиш учун барча тиббиёт масканларида, оилавий поликлиникаларда зарур шароитлар яратилган. Бирламчи тиббий-профилактика муассасаларидаги соғлом бола хонаси чуқур тиббий кўриқдан ўтказиш ва болаларнинг ривожланиш босқичларини доимий кузатиш учун зарур бўлган тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Она-бола тиббий кўригини, лаборатория таҳлилларини ўтказишда замонавий тиббий усуллардан самарали фойдаланилмоқда. Шифокорлар учун махсус ўқув-усlubий семинарлар ташкил этилгани, маҳалларда, хонадонларда амалга оширилган тушунтириш ишлари ушбу тадбирларга умумий амалиёт шифокори, патронаж ҳамшира ҳамда мактабгача таълим муассасаларида фаолият юритаётган тиббиёт ходимлари назорати остида А витамини ичирилмоқда. Бунинг натижасида микронутриент танқислиги туфайли келиб чиқадиган касалликлар кескин камаймоқда.

— Кейинги йилларда болалар ўртасида ичак касалликлари, вазн камлиги, ўсиш, ривожланишдан ортда қолиш ҳолатлари учрамаяпти, фарзандларимиз соғлом ва бакуват бўлиб камолга етмоқда, — дейди Шайхонтоҳур туманидаги 46-оилавий поликлиника бош шифокори Дилфуза Иброҳимова. — Болаларни соғломлаштириш бўйича ўтказилаётган ҳафталиклар бу эзгу ишларнинг ривожига хизмат қилмоқда. Ҳафталик тадбирларига ҳудудимиздаги барча болалар қамраб олинди. Улар тиббий кўриқдан ўтказилиб, А витамини капсуласи ва "Верморекс" ичмоқда. Оилавий поликлиникамизга қарашли тўққизта мактабгача таълим муассасаси ва мактабларда ҳам ушбу тадбирлар уюшқоқлик билан ўтказилмоқда.

ЎЗА



Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида ҳам 9 май — Хотира ва қадрлаш кўни муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Унда Бош прокуратура, Ҳарбий прокуратура, Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛКК департаменти ходимлари иштирок этди.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ихтиёр Абдуллаев йиғилганларни байрам билан қутлаб, Иккинчи жаҳон урушида жасорат кўрсатган, ўз юртининг тинчлиги ва озодлиги, оиласи, фарзандларининг хотиржамлиги учун курашган инсонларга, шу жумладан, фашизмга қарши курашда мардонавор жанг қилиб, омон қайтган ва прокуратура органларида кўп йиллар самарали меҳнат қилган уруш

Комиссиянинг навбатдаги йиғилиши

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Фарҳод АБДУВАХИТОВ,
Бош прокуратура бўлим катта прокурори

Унда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимидаги олимпия захиралари коллежлари ҳамда бошқа спорт муассасаларида "Таълим тўғрисида"ги, "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги Қонунлар ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 30 июлдаги "Олимпия захиралари коллежларида спорт захирасини тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижроси аҳволи, шунингдек, бу борада Андижон ва Навоий вилоятларида амалга оширилган ишлар муҳокама этилди.

Тадбир давомида мамлакатимизда баркамол ва соғлом авлодни тарбиялаш борасида амалга оширилаётган комплекс дастурлар доирасида болалар спортини ривожланти-

риш, юқори малакали спортчилар ва захира тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, вояга етмаганларни, айниқса, қизларни спортга жалб қилиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, спорт билан мунтазам равишда шуғулланишлари учун барча шарт-шароитларни яратиш борасидаги тадбирлар тизимли равишда ўтказиб борилаётганиги таъкидланди.

Худди шундай, ёш спортчиларни истиқлол гоғларига сандоқат, ватанпарварлик ва фидойилик руҳида тайёрлаш, уларнинг спорт мутахассисликлари ва касбларини эгаллашнинг таъминлаш мақсадида вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар томонидан спорт, таълим, соғлиқни сақлаш муассасалари ва бошқа ташкилот-

лар билан ҳамкорликда кенг қамровли тадбирлар амалга оширилаётганлиги алоҳида қайд этилди.

Йиғилишда ҳудудий вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар олдига ўқувчи-спортчиларнинг касбий маҳорати ва кўникмаларини янада ривожлантириш ҳамда мутахассислар ва спорт захирасини шакллантириш учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш борасида аниқ вазифалар қўйилди.

Қун тартибидаги масала юзасидан Маданият ва спорт ишлари вазирли, Андижон ва Навоий вилоятлари ҳокимлари ҳамда ушбу ҳудуд прокурорларининг ҳисоботлари эшитилди.

Йиғилиш якунида тегишли қарор қабул қилинди.

Мустақиллик шарофати билан республикада фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясига бўлган эътибор йил сайин ошиб бормоқда. Бу эса "Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида"ги Қонун ижросида ҳам намоён бўлмоқда.

Бугунги кунда Навоий вилоят прокуратураси органи томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари кўриб чиқиши ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида маълум ишлар амалга оширилди.

Вилоят прокуратураси органи томонидан давлат бошқарув, назорат-тектириув идоралари, маҳаллий ҳокимликлар, ўзини ўзи бошқариш,

Муурожаатлар доимо эътиборда

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа жойларда "Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ижроси юзасидан тектиришлар ўтказиб келинмоқда.

Тектиришларда асосий эътибор фуқаролар ва юридик шахсларнинг давлат органлари ва муассасаларига йўллаган муурожаатларининг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли кўриб чиқиши, қонун бузилишларига йўл қўяётган мансабдор шахсларга нисбатан жазо муқаррарлигини таъминлаш, аввалги тектиришларда аниқланган қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар амалда

ижро этилганлигига ҳамда соҳада қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилди.

Ушбу йўналишда 7 та тектириш ўтказилиб, натижаларига кўра қонун бузилиши сабаблари, унга имконият яратган шарт-шароитларга барҳам бериш ҳақида 12 та тақдимнома киритилди ҳамда тақдимномаларнинг кўрилиши ва прокурор қарорларига асосан 8 нафар шахс интизомий, 8 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилди. Масалан, вилоят прокуратураси томонидан фуқаро Ж.Раҳматовнинг ДТ "Халқ банки" Навоий шаҳар филиали мансабдор шахсларининг ҳаракатларидан норози бўлиб Бош прокуратуранинг "Ишонч телефони"га қилган муурожаати

кўриб чиқилиб, прокуратуранинг бевосита кўмағида 2016 йил 24 мартда ДТ "Халқ банки" Навоий шаҳар филиалидан Ж.Раҳматовга 220 млн. сўм миқдорда кредит ажратилиши таъминланди. Кредит ажратиши асосиз кечкитирган ДТ "Халқ банки" Навоий шаҳар филиали бошқарувчиси Б.Ибрагимов интизомий жавобгарликка тортилди.

Шу каби Учқудуқ туман прокуратураси томонидан фуқаро Ш.Тўхтамуродовнинг "Микрокредитбанк" ОАТБ Учқудуқ филиали мансабдор шахсларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги аризаси юзасидан терговга қадар тектириш ҳаракатлари олиб берилди. Тектиришда банк кре-

Фахриддин ТУРДИЕВ,
Навоий вилоят прокурорининг
катта ёрдамчиси

дитлаш ва микромолиявий хизматлар бўлими собиқ бошлиғи А.Ҳимматов ва бошқалар ўзaro жиноий тил бириктириб, яқка тадбиркорлар Г.Ҳяёева ва Ш.Тўхтамуродовлар номидан сохта кредит шартномаси ва бошқа ҳужжатларни расмийлаштириб, 4 млн. 900 минг сўм кредит олишгани ҳамда ушбу маблағни ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилганликлари аниқланди. Ушбу ҳолатга йўл қўйган банк ходимларига нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланди.

Ёшлар бандлиги таъминланмоқда

Мамлакатимизда ёшларга эътиборнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши ўсиб келадиган авлоднинг интеллектуал салоҳияти юксалишида, билимларни мукамал эгалаб, етуқ кадр бўлиб етишишида имкониятлар эшигини очмоқда.

Бухоро нефть ва газ саноати касб-хунар коллежиде вилоят прокуратураси, ҳокимлик, касб-хунар ва ўрта махсус таълим бошқармаси, меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармаси ва бошқа мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда "Таълим ва мутахассислик" кўргазмаси ташкил этилди.

Унда Бухоро Давлат университети, Тиббиёт институти, Муҳандислик-технология институти, Тошкент ирригация ва мелиорация институти, Тошкент стоматология институтининг Бухоро филиаллари ва вилоятдаги 88 та академик лицей ва касб-хунар коллежлари, иш берувчи корхона ва ташкилотлар ҳамда хорижий таълим муассасаларидан Малайзия Технология университети, Беларусь Давлат университети-дан вакиллар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Фахрийлар ёш мутахассислар меҳмони

Ёши улуг инсонларга иззат-икром кўрсатиш халқимизга хос эгуқ қадрлардан бири бўлиб, улуг мақсадалар йўлидаги саъй-ҳаракатларимизни уларнинг маслаҳати ва дуолари билан бошлаймиз. Мана шу азалий анъана, олижаноб фазилат бугун давлатимиз сиёсатида ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.

9 май — Хотира ва қадрлаш куну муносабати билан республикаимизнинг барча ҳудудларида уч авлод учрашувлари бўлиб ўтмоқда. Уларда кўпни кўрган фахрийлар ёшларимизни ватанпарварликка, тараққиёт пойдевори ҳисобланган тинчликни қадрлашга, дунёда кузатилаётган таҳликали вазиятда янада ҳушёр ва огоҳ бўлиб яшашга ундамоқда. Шундай учрашувлардан бири Самарқанд вилоят прокуратурасида ҳам бўлиб ўтди. Унда прокуратура органларининг фахрийлари тизимда хизмат қилаётган ёш мутахассислар ва улар-

нинг ота-оналари билан учрашишди. Хусусан, учрашувга прокуратура фахрийлари Тугал Ражабов, Хусен Сабилов, Усмон Муродов, Ишназар Султоновлар ташриф буюриб, учрашув қатнашчиларига ўзларининг иш ва ҳаётий тажрибалари ҳақида гапириб беришди. Шунингдек, фахрийлар ёш ходимларга хизмат вазифаларини ҳалол ва виждонан, масъулият ва ташаббускорлик билан бажаришга, бунинг учун юқори касб маҳоратига ва намунали хулқ-атворга ога бўлишга интилиш лозимлигини таъкидлаб ўтишди.

Мэлс РАҲМОНОВ,
Бухоро вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

Мазкур тадбирда 2015-2016 ўқув йилида академик лицей ва касб-хунар коллежларини битириши кутилаётган 26 минг 810 нафар ҳамда вилоятдаги умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синфларини тугатаётган 24 минг 313 нафар битирувчилари қатнашди.

Тадбир иштирокчилари таълим жараёнидаги энг сўнгги ютуқлар, шу жумладан, хорижий мамлакатлар олийгоҳларининг таълим тизими тўғрисидаги маълумотлар билан яқиндан таништирилди. Шунингдек, уларга замонавий ахборот технологиялари ва ахборот ресурсларидан фойдаланишга оид турли кўринишдаги кўргазмалар, ишланмалар, видеороликлар, баннерлар, тарқатма материаллар ҳавола қилинди.

Вилоятдаги 142 та иш берувчи корхона ва ташкилот томонидан 1488 та бўш ўрни тўғрисидаги маълумотлар кўргазма иштирокчиларига тақдим этилди. 418 нафар битирувчига ишга жойлашиши учун йўлланмалар берилиши таъминланди.

Дўстбек СУЛАЙМОНОВ,
«Ниқид»

— Ўз хизмат вазифамизни виждонан, ҳалол ва пок бажаришимиз учун давлатимиз томонидан барча имкониятлар яратилган, — дейди Самарқанд шаҳар прокуратураси ёрдамчи-иш ўрганувчиси Аббос Абдураимов. — Айниқса, ходимларни ижтимоий муҳофаза қилиш борасида янги-янги имтиёзлар берилётганлиги биз ёшларга ўз олдимизга қўйилган муҳим вазифаларни сидқидилдан, виждонан, фидойилик билан бажаришни талаб этади. Бугун фахрийлар билан бўлиб ўтган учрашув ҳеч қачон ёдимиздан чиқмайди. Зеро, уларнинг ҳаёт йўли биз учун ҳар доим намуна ва ўрнак бўлиб қолаверади.

Рашид Жуманиёзов, Ойбек Ҳажиев, Анвар Бобожоновлар (исм-фамилиялар ўзгартирилган) Хонқа туманида "Imkop Lochin" масъулияти чекланган жамияти таъсисчилари. Жамият низоом жамғармасини шакллантириш мақсадида А.Бобожонов 2014 йилда 240 минг АҚШ долларини "Ҳамкорбанк" Хоразм филиалига топширади. Шу орқали 50,22 фоиз улушга эга бўлади. Ўша даврда, яъни 2014 йил 31 июлдан 12 декабрга қадар МЧЖга А.Бобожонов раҳбарлик қилади. Ана шу даврда учовлон пул ўтказиш йўли билан сотиб олинган 578 млн. 743 минг сўмлик товар-моддий бойликларни нақд пулга сотиб, маблағларни банкдаги ҳисоб рақамига топширишмайди. Ўз қилмишларини яшириш мақсадида эса бирламчи бухгалтерия ҳужжатларини йўқотишади.

Қонуний ишляяпсизми?

Комилжон РОЗУМБЕТОВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг Хонқа туман бўлими бошлиғи

Ундан кейин бир ой Р.Жуманиёзов МЧЖ раҳбарлигини ўз зиммасига олади. У ҳам шеригининг фаолиятини давом эттиради. Шу даврда улар 664 млн. 55 минг сўмлик товар-моддий бойликларни нақд пулга сотишади ва банкка топширишмайди. Бу ҳам етмагандек, мажбурий сертификатланиши шарт бўлган 777 млн. 847 минг сўмлик товар-моддий бойликлар ҳеч қандай сертификатларсиз нақд пулга сотиб юборилади.

2015 йилнинг 13 январидан О.Ҳажиев МЧЖда раҳбарликни давом эттиради. У ҳам ҳамтовлоқлари каби иш кўради. Пул ўтказиш йўли билан харид қилинган маҳсулотлар нақд пулга сотилади. Бухгалтерия ҳужжатлари йўқ қилинади.

СВОЖЖДЛҚК департаментининг Хонқа туман бўлими ходимлари томонидан ушбу қонунбузарликлар фош этилди. Ушбу кимсалар суд ҳукми билан қилмишларига яраша жазога тортилди.

Яна бир ҳолат, Шавкат Жуманиёзов 2008 йилдан ҳозирга қадар "Шавкат Клара" хусусий корхонасига раҳбарлик қилади. Ушбу корхона паррандачилик маҳсулотлари савдоси билан шуғулланади. Қонунчиликка мувофиқ, товуқ гўшти ва туҳуми савдоси мажбурий сертификатланади. Бироқ, Ш.Жуманиёзов 63 млн. 138 минг сўмлик маҳсулотни сертификатларсиз сотиб, савдо қоидаларини бузади.

Бу ҳам етмагандек, тадбиркор газ тармоғига 14 та мосламанга ўзбошимчилик билан улаганлиги оқибатида "Шимолгазтаъминот" УК "Хонқатумангаз" филиали манфаатларига 51 млн. 299 минг сўм зарар етказганлиги маълум бўлди.

Ҳа, баъзи бировлар фақат ўзим фойда кўрсам бўлди, қабилада иш кўришади. Ўзгага зарар етказмаганлиги ва унинг оқибатлари билан қизиқмайди. Охир-оқибатда ўзлари кўпроқ зарар кўриб қолишади. Ш.Жуманиёзов ҳам шундай бўлди. Суд томонидан унга тегишли чоралар кўрилди.

Раҳим Раҳимов 2004 йилдан Хонқа туманидаги "Хоразм лойиха қурилиш" корхонасига раҳбарлик қилиб келган. Ушбу корхона фаолияти ўрганилганда, 487 млн. 663 минг сўмлик нақд пуллар назорат-касса машинасидан ўтказилмасдан, банкдаги ҳисоб рақамига топширилмаган экан. Шунингдек, Р.Раҳимов 2010-2014 йиллар давомида корхонага кирим қилинган 105 млн. 702 минг сўмлик маҳсулотларнинг ҳисоб-варақ фактураларини тақдим қилмасдан, қасддан яширганлиги ҳам фош бўлди. Р.Раҳимовга нисбатан ҳам қонунда белгиланган тартибда жазо қўланилди.

Қинғир ишнинг қийғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади, дейди халқимиз. Бир бора қонунга хилоф иш кўрсам кўрибманда, ким билиб ўтирибди, деб ўйлайдиганлар аниқлашади. Қонунга риоя қилиш эса, доимо барака келтиради. Бунинг ҳар доим ёдда тутаилки.

Фақат мўмай даромад топиш дарди билан яшаётган одам борки, жиноят кўчасига қадам қўйиши турган гап. Бу йўлда кимлар ўғирлик қилса, бошқаси босқинчиликка, яна кимлардир эса фирибгарликка қўл уради.

Фирибгарлардан эҳтиёт бўлинг!

Шерзодбек ТЎХТАБОВЕВ,
Анджон вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари

Айрим жиноий воқеаларни оладиган бўлсак, жабрланувчиларнинг ўзлари қонунларимизни четлаб ўтмоқчи бўлганлигига ғувоҳ бўламиз. Бундай фуқароларимиз ишларини битириш учун кимларнингдир хизматидан фойдаланишга уринадилар-да, оқибатда бошлари деворга урилгандан сўнг бу ҳақда тегишли жойга мурожаат қиладилар.

Анджон шаҳрида яшовчи, олий маълумотли Ойшахон Қодирова муқаддам беш мартаба жиноят содир этган бўлиб, унинг учтаси фирибгарликдир. Олтинчи мартаба яна фирибгарлик жиноятига қўл урди. Жумладан, ушбу шахс фуқаро Нозимжон Қобуловни чув тўширади. Нозимжон Ойшанинг фирибгарлиги ҳақида билса-да, унинг Германияга жўнатиш тўғрисидаги алдовига ишонади. Ойшахон Нозимжондан ташқи миграцияда ишлайдиган "нозик" танишига деб 2500 АҚШ долларини олади.

Айбига иқдор бўлган судланувчи жабрланувчига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаганини айтиб, енгиллик беришни сўради. Суд томонидан унга Жиноят кодексининг 168-моддаси билан жазо чоралари қўлланилди.

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар натижасида иқтисодиёт жадал суръатларда ривожланиб, фуқароларнинг реал даромадлари ортиб бормоқда. Улар даромадларини яшаш шароитларини яхшилашга, янги уй-жойлар қуришга, узоқни яқин қиладиган, ишда, турмушда асқотадиган автоуловлар харид қилишга сарфлашмоқда.

Асака автомобил корхонасида ишлаб чиқарилаётган ҳар томонлама қўлай, турли русумли енгил автомашиналарга талаб тақлифга нисбатан ортиб бораётгани туфайли тўловларни амалга оширган фуқароларга автоуловлар навбат билан, шартномада кўзда тутилган муайян мuddатларда етказиб берилмоқда. Бу эса енгил даромад топиш илнжида бўлган айрим нопок шахсларга қўл келмоқда. Шартномада кўрсатилган мuddатни куттишни хоҳламаган шошқалоқ фуқаролар айнан ана шундай фирибгарларнинг қармоғига илиниб қолишяпти.

Шундайлардан бири Равшан Искандаровдир. У олий маълумотли, 5 нафар фарзанднинг отаси, Асака шаҳридаги "GM-Uzbekistan" ЕАЖда таъминот тизими директор ўринбосари вазифасида ишлаган. Р.Искандаров муқаддам тўрт марта судланган таниши Зайнобидин Низомов билан бирга ўзгаларни алдаш ёки ишончини суиистеъмол қилиш йўли орқали текин даромад орттиришни кўзлайди. Жиноий шериклар 2012 йил август ойидан 2014 йил август ойига қадар 68 нафар фуқарони алдаш орқали уларнинг ишончига кириб, "GM Uzbekistan" ЕАЖда ишлаб чиқарилган турли хил русумдаги автомашиналарни маълум вақтларда олиб беришни ваъда қилишади. Шу тариқа Равшан улардан 666 минг 750 АҚШ доллари ва 65 млн. 121 минг сўм олади. Пулларнинг 51 минг АҚШ доллари укасига, 415 минг АҚШ доллари 3.Низомовга касалхона қурилиши учун беради. Қолган пулларни эса ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборади.

Жиноят ишлари бўйича Анджон вилоят суди томонидан Р.Искандаров ва 3.Низомовга нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланди.

Фирибгарлик жиноятларини содир этишга имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш мақсадида фирибгарлик билан бир неча бор судланган шахслар яқка тартибда назорат остига олинаяпти. Автомашина олиб беришни ваъда қилувчи ўртақашлар аниқланаяпти.

Хулоса ўрнида бир фикрни айтиб ўтиш жоиз. Айрим фуқаролар олий ўқув юрталарига фарзандини ўқишга киритиш, уй-жой ва автомашинани сотиб олишининг ноқонуний йўллари ахтарилар-да, кўпинча фирибгарларга рўпара бўладилар. Уларнинг гапига лаққа тушиб, йиққан маблағларини қўшқўллаб тўтқазиб, охир-оқибат бошларини қаерга уришни билмай юрадилар.

Оммавий ахборот воситалари орқали турли жиноятларнинг фош этилиши, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳақида кўрсатувлар, мақолалар мунтазам бериб борилаяпти. Бундан кўзланган мақсад фуқароларимизнинг жиноят гирдобига тушиб қолишларининг олдини олиш ва уларни огоҳликка чорлашдир.



Умуммиллий бойликни асрайлик

Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига "Ер умуммиллий бойликдир, Ўзбекистон халқи ҳаёти, фаолияти ва фаровонлиги асоси сифатида ундан оқилона фойдаланиш зарур ва у давлат томонидан муҳофаза қилинади", деб белгиланган бўлиб, бунинг замирида ҳар бир қарч ердан оқилона фойдаланиш, ҳозирги ва келажак авлодларнинг манфаатини кўзлаб, ерни муҳофаза қилиш ҳамда ундан фойдаланишда қонун талабларига оғишмай риоя этиш лозимлиги кўзда тутилган.

Шу сабабли Янгибод туман прокуратураси томонидан ҳам ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш, бу соҳада қонунийликни мустаҳкамлаш борасида мунтазам назорат тадбирлари ўтказилмоқда. Текширишларда туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия томонидан қонун талаблари бузилганлиги ҳолатлари аниқланди.

Хусусан, текширишларда белгиланган қонун талабига кўра, туманда тузилган комиссия талаб даражасида фаолият олиб бормоган. Яъни аксарият қарорларни қабул қилишда комиссия аъзолари тўлиқ қатнашмаган ҳамда улар томонидан комиссия қарори имзоланмаган. Комиссия ко-

митининг ўз хизмат вазифасига масъулиятсизлиги натижасида кўриб чиқилмаган масалалар комиссия аъзоларига тўлиқ таништирилмаган.

Оқибатда туман ҳокими томонидан захирадаги ерларни ҳисобга олиш, деҳқон ва фермер хўжалиқларига ер участкалари ажратишда ноқонуний қарорлар қабул қилинишига йўл қўйилган. Хусусан, туман ҳокимининг 2016 йил 15 февралдаги қарори билан фуқаро 3.Ашурралиев юридик шахс макомига эга бўлмаса-да, унга асаларчилик билан шуғулланиши учун 0,08 гектар ер майдони ажратиб берилган. Ушбу қарор ер майдони ажратилиш ҳақидаги қонун талабига зид равишда қабул қилинганлиги учун қонунга мувофиқлаштириш ҳақида протест келтирилди.

Абдуазиз НАЗАРОВ,
Янгибод туман прокурори

Бундан ташқари, комиссия аъзолари томонидан ердан фойдаланиш борасида ўз вақтида белгиланган тартибда мониторинг кузатувлари олиб борилмаганлиги оқибатда ер майдонлари бошқа шахслар томонидан ўзбошимчилик билан эгалланиб, фойдаланиб келинганлиги аниқланди. Жумладан, туман ҳокимининг 2015 йил 21 ноябрдаги қарори билан "Баландчақир чорвадори" фермер хўжалигига туман ҳокимлиги захирасидаги 30 гектар сувли ер майдони қўшиб берилган. Бирок ушбу ер ўзбошимчилик билан бошқа шахслар томонидан эгаллаб олинди, галла экилан.

Аниқланган қонун бузилишлари, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиш бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш ва айбдор шахсларга нисбатан тегишли чоралар қурилишини таъминлаш юзасидан туман ҳокими номига тақдимнома киритилди.

Тўй қолдирилди

Алижон ҚИЛИЧЕВ,
Бухоро туман прокурори

Мустақилликнинг ilk йилларидаоқ таълим тизимида изчил, мақсадли ислохотлар амалга оширила бошланди. Бинобарин, миллатнинг келажакини белгилайдиган комил шахс таълим-тарбияси кеча ёки бугун пайдо бўлган тушуноқ эмас. Балки фарзандлар тарбияси, уларнинг билими ва касб-ҳунарли бўлишига эътибор миллатнинг тарихининг асрларга тенглашган маънавиятга бориб тақалади. Биз орзу қилган ҳар бир эзгу нияти-мизга жисмонан соғлом, маънан етук дил-бандларимизга бўлган муносабатлар билан эришамиз.

Ўғил-қизларимизнинг қизиқишлари, билим олишга бўлган иштиёқи, касб-ҳунар эгалланиш, бирор мўқим иш жойига эга бўлиши ота-она билан бир қаторда маҳалла, таълим маскани, кўйингки, кенг жамоатчилик диққат марказида туради. Бу ёшларга эътиборнинг давлат сиёсати даражасидаги аҳамиятга молик масала эканлигидан далолат беради. Бирок, баъзи ота-оналар шу оддий ҳақиқат моҳиятини чуқур тушуниб етишмаётгани ачинарли ҳол.

Гала Осиё қурилиш касб-ҳунар коллежи ўқувчилари Бобоназар Менглиев (исм-фамилиялар ўзгартirilган) ҳамда Навбахор Чўлиевларнинг коллежини тугатмай туриб турмуш қурмоқчи эканликлари ҳақида маълумот олинди. Ушбу ҳолатни бартараф этиш учун туман прокуратурасига туман ҳокимлиги ҳузуридаги воёга етмаганлар билан ишлаш бўйича комиссия маъсул котиби, туман хотин-қизлар кўмитаси раиси, профилактика нозирини ва ўқувчиларнинг ота-оналари, улар истикомат қилаётган маҳалла фаоллари ҳамда ўқитувчилари тақлиф этилиб, тушунтириш ишлари олиб борилди.

Олиб борилган амалий ишлар натижасида қизини эрта турмушга узатмоқчи бўлган она

ҳам, ўғлини вақтлроқ уйлантириб қўйишни мақсад қилган ота ҳам хатти-ҳаракатлари нотўғри эканини тушуниб етди. Тўй қолдирилди. Демак, икки ёш соғлом турмуш тарзини танлашда катталар маслаҳатига танишиди.

Маҳалла ва қишлоқларда, таълим масканларида "Таълим тўғрисида"ги Қонун талаби, таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида 12 йиллик мажбурий таълим жорий этилгани, шунингдек, коллеж ўқувчиси оила қуришга ҳар жиҳатдан тайёр бўлиши лозимлиги ҳақида мутахассисларни жалб этган ҳолда тарғибот ишлари мунтазам тарзда олиб борилаётган. Шунингдек, Бухоро тумани ҳудудидаги касб-ҳунар коллежларида Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳамда соҳага оид бир қатор меъёрий ҳужжатлар ижросини ўрганиш мақсадида текширишлар ўтказилди.

Ушбу назорат тадбирлари тумандаги мавжуд 6 та касб-ҳунар коллежида қонунлар ижроси ҳаётга тўла татбиқ этилмаётганлигини кўрсатди. Жумладан, Саноат касб-ҳунар коллежи гуруҳларида ўқувчиларнинг дарсларда иштирок этиши талабга жавоб бермайди. Хусусан, текшириш кунинда рўйхат бўйича 24 нафар ўқувчи тахсил олаётган гуруҳда 11 нафар ўқувчининг дарсда иштирок этаётгани, яна бир гуруҳда эса 14 нафар ўқувчи машғулотларга қатнашмаётгани аниқланди. Бундай ҳол тумандаги маиший хизмат ва сервис ҳамда қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежларида ҳам қайд этилди.

Масъулиятини унутган ҳамда лавозим йўриқномасидан келиб чиқиб, ушбу ҳолатларга таъсирчан муносабат билдирмаган коллеж директорларига нисбатан интизомий жавобгарлик масаласи ҳал этилди.

Одам савдоси — глобал муаммо



Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссиясининг 2015 йил 5 февралдаги қарори билан тасдиқланган "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини янада ошириш борасида 2015-2016 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар Режаси" ижроси юзасидан Фарғона вилоят прокуратураси органлари томонидан мунтазам равишда назорат тадбирлари ўтказиб келинмоқда. 2015 йилда Фарғона вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига одам савдоси билан боғлиқ келиб тушган ариза ва шикоятларнинг 25 таси бўйича жиноят иши қўзғатилган.

Барча бирдай масъул

Жумладан, Фарғона шаҳрида яшовчи Гулнора Сохибова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) фуқаро Нозима Турдиевани Қозоғистон Республикасининг Олма-ота шаҳрида ишлаб, кўп миқдорда пул топишга қизиқтирган. Оқибатда 2015 йил 29 май куни ўтказилган тезкор тадбир давомида Гулнора Нозимани Қозоғистонга олиб кетаётган вақтда Тошкент халқаро аэропортида ушланган. Мазкур ҳолат юзасидан Г.Сохибовага нисбатан Жиноят кодексининг тегишли моддаси билан жиноят иши қўзғатилиб, қонуний жазо тайинланди.

Шуниси аҳамиятлики, тергов ҳаракатлари олиб борилган жиноят ишлари бўйича одам савдосидан жабрланган 32 нафар фуқаро тиббий кўриқдан ўтказилган, 4 нафари Одам савдосидан жабрланганларга ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш Республика реабилитация марказига юборилган, 8 нафари ишга жойлаштирилган ва 2 нафари "Маҳалла" хайрия жамоат фонднинг вилоят бошқаруви томонидан моддий ёрдам кўрсатилиши таъминланган.

Ақсарият ҳолларда биз одам савдоси деганда фуқароларни ўзга юрتلарга олиб бориб, турли мақсадларда сотиб юборган кимсаларнинг манфурлигини тушунагимиз. Лекин орамизда ўз жигарбандини сотишдан тап тортмаётган оналар ҳам учрамоқдаки, бундай ҳолат одам савдосининг энг аянчли қўриқчилари. Хусусан, Қўқон шаҳрида яшовчи Манзура Эралиева шахар ИИБ бошлиғи номига ёзган аризасида фуқаро Қизлархон Умарова ўз фарзандини сотмоқчи эканлигини билдириб, унга нисбатан чора кўришни сўраган. Айни мурожаат бўйича ўтказилган тезкор тадбирда бағритот она — Қ.Умарова ўғлини М.Эралиевага 200 АҚШ долларига сотган пайтда қўлга олинган. Қ.Умаровага нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, жазо муқаррарлиги таъминланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, одам савдосининг олдини олиш борасидаги вазифаларимиз нафақат қўлла-

нилаётган ҳуқуқий таъсир чоралари, балки тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш эвазига янги иш ўринларини яратиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг айна масаладаги мурожаатларини ҳал қилиш, шу орқали аҳоли бандлигини таъминлаш, меҳнат ва бандликка оид қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этишдан ҳам иборат. Айниқса, қорхона, ташкилот ва муассасаларнинг иш ҳақидан бўлган қарздорлигини бартараф этиш масаласи жиддий назоратга олинган. Чунки ходим пешона тери эвазига толган иш ҳақини ўз вақтида ололма, нахотни четдан излаши табиий ҳолат.

Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси томонидан тасдиқланган "Одам савдоси — давр муаммоси" тарғибот лойиҳаси доирасида вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида, таълим муассасаларида, қишлоқ ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинларида аҳоли, ёшлар ва тадбиркорлар ўртасида учрашувлар, бевосита мулоқотлар ташкил этилмоқда. Энг муҳими, маҳалла фаоллари ҳамкорлигида юртдошларимизнинг касаначилик, деҳқон хўжалиги ва бошқа турдаги оилавий тадбиркорлик фаолиятлари билан шугулланишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш, амалий ёрдам кўрсатиш ҳамда янги иш ўринлари яратиш орқали уларни қўллаб-қувватлаш чоралари кўрилмоқда. Шунингдек, туман ва шаҳар прокурорларининг бевосита ташаббуси ҳамда иштирокида 133 маротаба меҳнат ярмаркалари ўтказилиб, уларда 7 минг 222 та қорхона ва ташкилот 43 минг 967 та бўш иш ўрни билан иштирок этди. Натижада 4 минг 652 нафар фуқарога ишга жойлашиш учун йўлланмалар берилди, 3 минг 905 нафари эса доимий иш билан таъминланди. Қолаверса, ярмарка иштирокчиларига меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга доир қонунлар ҳамда меъёрий ҳужжатлар мазмун-моҳияти ҳақида ҳуқуқий масалаҳатлар ҳам берилди.

Сирожддин ЭШКУВВАТОВ,
Фарғона вилоят прокуратураси биринчи ўринбосари

Бундан ташқари, ўтган йилда вилоят прокуратураси органлари томонидан одам савдосига қарши курашишга оид қонунлар ижроси юзасида 81 та текшириш ўтказилди. Уларнинг натижасига кўра, ноқонуний равишда қабул қилинган 2 та қарорга нисбатан протест келтирилди, аниқланган қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш бўйича 129 та тақдирнома киритилди, 16 нафар шахс расман огоҳлантирилди, 76 нафар шахс эса интизомий жавобгарликка тортилди.

Кези келганда ҳамюртларимизга яна бир бор эслатиб ўтмоқчимизки, "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9-моддасига асосан, одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Одам савдосидан жабрланганларга ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш Республика реабилитация маркази ташкил этилган. Бу марказнинг асосий вазифаси одам савдосидан жабрланганларга қўлай яшаш ва шахсий гигиена шароитларини яратиш, уларни озиқ-овқат, дори-дармон воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш, уларга шошилинч тиббий, психологик, ижтимоий, юридик ва бошқа хил ёрдам кўрсатиш, одам савдосидан жабрланганларнинг хавфсизлигини муҳофаза қилиш, қариндошлари билан алоқа ўрнатишларига кўмаклашиш, жабрланганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳақида ахборот бериш, уларни ижтимоий реабилитация қилишга кўмаклашишдан иборат. Суд томонидан одам савдосида айбдор деб топилган шахслар одам савдосидан жабрланганларнинг таъминоти ва уларни реабилитация қилиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрнини тўлиқ ҳажмда қоплайди.

Бугунги глобаллашув даврида жаҳон майдонига кечаётган сиёсий-иқтисодий жараёнлар минглаб, миллионлаб инсонлар ҳаётига салбий таъсир этувчи кўплаб омилларни юзага келтирмоқда. Масалан, 1990 йилларда Шарқий Европанинг кўплаб мамлакатларида сиёсий тузумларнинг, иқтисодий муносабатларнинг бутунлай ўзгариши натижасида ишсизликнинг кенг тарқалиши минглаб одамларни иш излаб бошқа иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатларга кетиши мажбур қилди. Ушбу ҳолат 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий инқирозидан сўнг ҳам кузатилади. Бу эса трансгегаравий жиноятчиликнинг янги тури — одам савдоси жинояти авж олишига сабаб бўлди.

Огоҳлик — давр талаби

Бу офат собиқ иттифоқ тарқалиб кетганидан сўнг унинг ўрнига пайдо бўлган янги мустақил давлатларни ҳам четлаб ўтгани йўқ. Шу боис мамлакатимизда одам савдосига қарши курашиш тўғрисида махсус қонун қабул қилинган. Ушбу қонун ижроси прокуратура органларининг доимий эътиборидадир.

Яқин икки йил кўрсаткичларини таққослайдиган бўлсак, Қорақалпоғистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан одам савдоси бўйича 2014 йилда 11 та, 2015 йилда 2 та жиноят иши қўзғатилиб, 2014 йилда 14 нафар, 2015 йилда 2 нафар шахс жиноий жавобгарликка тортилган. Афсусларлики, бу тоифадаги жиноятларга қўл урган шахсларнинг 64 фоиздан ортигини аёллар ташкил этган. Бу ҳолат жойларда маҳалла, хотин-қизлар кўмиталари, ҳокимликлар ҳузурдаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, "Қамолот" ЁИҲ ва бошқа мутасадди идораларнинг бундай салбий ҳолатларга қарши ҳамкорликда фаол иш олиб боришлари зарурлигини кўрсатади.

Одам савдоси каби жиноий фаолиятни амалга ошириш услубларининг таҳлили ақсарият ҳолларда фуқаролар Бирлашган Араб Амириклиги, Туркия, Қозоғистон ва Россия давлатларига республикамиз ҳудудидан яширин равишда олиб чиқиш кетилаётганлигини кўрсатмоқда.

Фуқароларни ноқонуний равишда ёки чегара постлари орқали аввалгига Қирғизистон, Қозоғистон каби қўшни давлатларга, сўнгра қалбаки ҳужжатлар билан узоқ хоризм мамлакатларига чиқариб юбориш жиноятичи унсурларнинг асосий йўналишидир. Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, Амударё туманида туғилган Исмаил Салиев 2014 йил апрель ойида ҳамқишлоқларидан 9 нафарини "Қозоғистоннинг Ақтобе шаҳрида яшиш иш бор, ойига 400-500 АҚШ долларидан тўлашади", деган ёлғон ваъдалар билан олиб кетади. У ерга борганидан сўнг рўйхатга қўйиб баҳонасида паспортларини йиғиб олиб, 2014 йил октябрь ойига қадар ишлатади. Ушбу давр мобайнида ишлаб топилган пуллардан маълум бир қисминини ишчиларга бериб, 22 млн. сўмдан ортиқ бўлган қисмини бермасдан алдаб келган. Мазкур

Мансур ҚАРШИЕВ,
Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси бўлим бошлиғи

ҳолат юзасидан жабрланувчиларнинг берган кўрсатмасига асосан жиноий иш қўзғатилиб, пулларнинг ундирилиши таъминланди. И.Салиевнинг ўзига эса 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди.

Яна бир мисол. Оилада фарзандларнинг қандай тарбия топиши, аввало, ота-оналарига боғлиқ. Шунинг учун жамиятимизда ота-она доим иззат-ҳурматда. Аммо, ҳамма аёллар ва эркеклар ҳам шу эътиборга лойиқми? Эркек — оила бошлиғи, оилани ҳар жиҳатдан таъминлаб қўйиш уларнинг бурчи ва вазифасидир. Эркек киши, аввало, ота деган номга муносиб бўлиши керак. Лекин Беруний туманида яшовчи, вақтинча ишсиз, 3 нафар фарзанднинг отаси Қурбанбай Еримовнинг қилмиши ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Ҳаётимизда шундай оталар борлиги ачинарлидир. Қарангки, у ўзига моддий ва бошқа жиҳатдан қарам бўлган турмуш ўртоғи ва қизини пул ва спиртли ичимликлар эвазига ахлоқсизлик қилишга мажбурлаб келган.

Бундан ташқари, К.Еримов қизини "Агарда турмушга чиқиб кетмасанг, сени ўзим тўғри келган йигитга узатиб юбораман", деб қўриқиб, руҳий таъзия қўзғатиб, моддий наф қўзиш мақсадида танишининг жиянига эрга тегишга ва бирга яшашга мажбур қилган.

Ушбу ҳаракатлари учун К.Еримов Ўзбекистон Республикаси ЖКНинг тегишли моддалари билан айбдор деб топилди ва жазо муқаррарлиги таъминланди.

Албатта, юқоридаги каби нохуш ҳолатларнинг ҳаётимизда учраётгани барчамизни ўйлаттиради. Маҳалла, кўниқўшиллар, хотин-қизлар кўмиталари фаоллари, қолаверса, ҳар бир фуқаро бу масалада доимо огоҳ бўлмоғи лозим. Бир нарса аёниқ, яшаётган ҳудудимизда ким қаёққа кетганидан, қаерда ишлаётганидан, оилаларнинг қандай яшаётганидан бохабарлик ҳеч қачон зарар қилмайди.

Хулоса қилиб айтганда, инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати ҳурмат ва эъзозга лойиқ. Шундай экан, инсоний қадриятларни топташга ҳеч қимнинг ҳаққи йўқ. Унга уринган ҳар қандай шахс эса қонун олдида жавобгар бўлиши муқаррардир.

Кимлар маҳалла оқсоқоли бўлади?

Мустақиллик йилларида миллий сайлов қончилигининг халқаро нормаларга асосланган ўзига хос тизими яратилгани бу соҳадаги энг муҳим ютуқларимиздан биридир. Сайловда иштирок этиш орқали фуқаролар давлат бошқаруви ва ўзини ўзи бошқариш органларини шакллантиришда бевосита ўз хоҳиш-иродасини намоён эта оладилар. Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) бўлиб сайланиш амалда сайлов ҳуқуқининг ёрқин ифодасидир.



Фуқаролик жамияти шаклланиши мониторинг қилиш мустақил институти томонидан 2016 йилда эълон қилинган "Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг ривожланиши" номи маърузада қайд этилишича, 2016 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, республика ҳудудида 9 756 та фуқаролар йигини, шу жумладан, 169 та шаҳарча фуқаролар йигини, 1295 та қишлоқ, 157 та овул ва 8 135 та маҳалла фуқаролар йигинлари фаолият кўрсатмоқда. Урта ҳисобда ҳар бир фуқаролар йигини 3 минг нафарга яқин кишини қамраб олади.

2013 йил 22 апрелда янги тахрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Қонунида сайлов жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ масалалар ўз ифодасини топган. 2016 йил 5 март куни

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг "Фуқаролар йигинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, фуқаролар йигинлари раислари (оқсоқоллари) ва улар маслаҳатчиларининг навбатдаги сайловини ўтказиш муддати 2016 йилнинг май-июнь ойлари этиб белгилаб, бўлажак сайловда 9764 нафар фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) ва уларнинг 99 минг нафардан зиёд маслаҳатчиси сайланиши назарда тутилди.

Маҳалла ҳар биримизнинг кундалик ҳаётимизда муҳим аҳамиятга эга эканлиги йигин раиси (оқсоқоли) ёки маслаҳатчилари сифатида кимлар сайланиши бу жараёнга беварқ бўлмасликка ундайди. Албатта, ҳар бир сайловчини фуқаро қандай мезонлар асосида маҳалла раислигига ўз номзодини кўрсата олиш ма-

саласи қизиқтириши табиий ҳол.

"Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 17-моддасида фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодларга қўйиладиган талаблар ўз аксини топган.

Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодлар, биринчидан, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлиши талаби сайлов ҳуқуқининг сиёсий ҳуқуқлар сирасига кириши нуктаи назаридан келиб чиқиб талқин этилган. Чунки сиёсий ҳуқуқлардан фойдаланиш ҳуқуқи фақатгина мамлакатимиз фуқароларига берилган. Чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар бу ҳуқуқдан фойдалана олмайдилар.

Иккинчидан, қоида тариқасида, номзод олий маълумотга эга бўлиши зарур.

Ҳозирги кунда аксарият фуқаролар йигини раислари

олий маълумотга эга бўлиб, ҳудудлар миқёсида энг юқори кўрсаткич Кашқадарё вилоятига, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрига тегишли.

Учинчидан, бевосита сайловга қадар камида беш йил тегишли ҳудудда доимий яшаётган бўлиш талаби номзоднинг ўзи истиқомат қилаётган ҳудуднинг муаммоларидан хабардорлик даражаси етарли бўлишини тақозо этади.

Тўртинчидан, ташкилотчилик қобилиятига эга бўлиш раиснинг кундалик вазифаларини бажаришда, йигин қарорларини ижро этишга доир ишларни, байрам кунлари ва муҳим саналар билан боғлиқ оммавий тадбирлар ўтказиши ташкил қилишда намоён бўлади.

Бешинчидан, давлат органларида ёки нодавлат ношжорат ташкилотларда ёхуд тадбиркорлик ва бошқа ҳўжалик фаолияти соҳасида иш тажрибасига эга бўлиш талаби маҳаллада иш фаолиятини ташкил этиш ва юриштида муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Олтинчидан, етарли ҳаётий тажрибага эга бўлиш талаби ҳар бир масала ҳал қилинаётганда узокни кўра билиш, "етти ўлчаб бир кесиш", ёш авлодга ўз ҳаётини тўғри йўлга қўйишида маслаҳатлар бера олиш каби фазилатларни амалда намоён этишида ифодаланади.

Еттинчидан, аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлиши билан боғлиқ талаб қўйилиши шу маҳалланинг етакчиси бўлмоқчи бўлган

Дилафруз ХОЛМАНОВА,
ТДҲУ Ҳуқуқий тадқиқотлар маркази
катта илмий ходим-изланувчиси

фуқаронинг маҳалла аҳлининг муаммоларини ҳал қилишда, аввало, ўзининг шахсий-оилавий ҳаёти бошқаларга ўрнатилган бўлиши кераклиги билан ифодалаш мумкин. Шундагина бўлажак раис аҳоли муаммоларини ҳал қилишда адолатли қарор қабул қила олади.

Шунингдек, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган, оғир ёхуд ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолати туғалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар, шунингдек, суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган, ҳақиқий ҳарбий хизматдаги шахслар, диний ташкилотларнинг профессионал хизматчилари фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) лавозимига сайланиш учун номзод этиб кўрсатилиши мумкин эмас. Бундай чеклов элжорат хизматини адо этиш нақадар машаққатли ва масъулиятли вазифа эканлигини кўрсатади.

Демак, бўлажак сайловлар натижасида ҳар бир маҳалла ҳудудидаги муаммоларни ҳал қила оладиган, мустақил фикрлайдиган, ҳақиқий йўлбошчи бўла оладиган раис (оқсоқол) сайланиши шубҳасиз. Сайловлар натижаси кучли фуқаролик жамияти пойдеворини мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим қадамлардан бири бўлади.

Қонунни билмаслик

ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ҚИЛМАЙДИ

2015 йилнинг 30 декабридан кучга кирган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун мамлакатимиздаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишга ва мустаҳкамлашга қаратилган бўлиб, мазкур қонун билан Ўзбекистон Республикасининг 34 та қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси "Белгиланган тақиқларни (чекловларни) бузган ҳолда биноларни, иншоотларни ёки бошқа объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш" деб номланган янги 229³-модда билан тўлдирилди.

Унга кўра, шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ биноларни, иншоотларни ёки бошқа объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашга тақиқлар (чекловлар) белгиланган зоналарда ушбу ишларни бажариш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланиши белгиланди.

Маълумки, юртимизда хусусий мулкнинг миқдори ва қиймати келанмайди. Мулкдор қонун доирасида истаганча мулк соҳиби бўлиши мумкин. Шу боис ҳам хусусий мулкдорлар, тад-

биркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш давлатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишларидан бирини ташкил қилмоқда.

Аммо ҳуқуқ ўз моҳиятига кўра ҳуқуқ субъекти ва объектини қўриқлайди, турли тажовузлардан муҳофаза қилади. Баъзан имтиёзлар беради, баъзан тақиқлар қўяди. Шунинг учун ҳам қонун яратувчи — давлат ва уни амалда қўлловчи субъект (фуқаро, тадбиркор, юридик шахс)лар ўзаро ҳуқуқдор ва бурчдордир. Шу маънода қонунга киритилган ушбу қўшимчада шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари, инсон ва жамият манфаатлари ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида киритилган қўшимча ва ўзгартишлар ҳам киши эътиборини ўзига тортади. Жумладан, 56¹-модда билан "Жамоат жойларида тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш" маъмурий жазога сазовор бўладиган бўлди. Яъни "иш жойларида, соғлиқни сақлаш, таълим, спорт-соғломлаштириш муассасаларида, ёнғин чиқариш хавфи бўлган жойларда, шу жумладан автомобилларга ёқилги қўйиш шохобчаларида ва бошқа жамоат жойларида тамаки маҳсулотини истеъмол қилганлик энг кам иш ҳақининг учдан бир қисми миқдоридан жарима солишга сабаб бўлади. Бундан тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш учун махсус ажратилган жойлар ва (ёки) хоналар мустасно.

Шу билан бирга, ушбу кодекс 122-моддасининг янги тахрирдаги талабига мувофиқ, маҳаллий ва узоқ масофага қатнайдиغان поездларда, дарё кемаларида белгиланмаган жойларда, шаҳар атрофига қатнайдиغان поездларнинг вагонларида (шу жумладан, тамбурларида), шаҳар ичида, шаҳар атрофига, шаҳарлараро ва халқаро йўналишларда қатнайдиغان автобусларда, шунингдек таксиларда, йўналиш таксиларда ҳамда шаҳар электр транспортда тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш, энг кам иш ҳақининг учдан бир қисми миқдоридан жарима солишга сабаб бўлади.

Ҳаво кемаларида тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш, энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдоридан жарима солишга сабаб бўлади.

Шунингдек, кодекснинг 187-моддаси ҳам янги тахрирда қабул қилиниб, унга кўра, иш жойларида, кўчаларда, стадионларда, хиёбонларда, истироҳат боғларида, жамоат транспортининг барча турларида ва бошқа жамоат жойларида алкоголь маҳсулотини истеъмол қилганлик учун энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисми миқдоридан жарима солишга сабаб бўлади. Бундан тўйлар, юбилейлар ҳамда бошқа тантаналар ва маросимлар ўтказиладиган жойлар, шунингдек алкоголь маҳсулотини қўйиб реализация қилишга рухсат этилган савдо ва умумий овқатланиш объектлари мустасно.

Ҳудди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан

Миродил БОРОТОВ,
Бош прокуратуранинг ОУК катта ўқитувчиси

кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан икки бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатда маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Қонунчиликдаги ушбу ўзгаришлар энг аввало, миллат генофонди, инсонларнинг ҳаёти ва соғлигини ҳимоя қилиш, табиати муҳофаза қилиш, хавфсизлиқни таъминлашга қаратилгандир.

Таассуфки, қонун кучга киргандан бери ўтган вақт мобайнида жамоат жойларида тамаки маҳсулотини истеъмол қилаётган инсонларнинг жамоат жойларида ўқоридига каби тақиқлар ўрнатилганига бефарқликлари кишини бироз ўйлантиради. Лекин бу ҳолат ёки — ён атрофдагиларни ҳеч қачон бефарқ қолдирмаслиги лозим. Зеро, Ўзбекистон — бизнинг оиламиз, уйимиз, Ватанимиздир.

Жиноят ҳуқуқи назариясида "қонунни билмаслик жазодан озод қилмайди" деган машҳур ибора бор. Аслида бу элда ҳам кенг тарқалган. Бу — адабиётларда қайд этилганидек, қилмишни содир этган шахсининг ўз ҳаракатининг мотиви ҳақида нотўғри тасаввурга эга бўлишидир. Бундан тўсири хулоса чиқариш ўзимизга боғлиқлигини унутмайлик.

Самарали парламент назорати — тараққиётнинг муҳим омили

"Конституциявий ислохотлар нуқтаи назаридан Олий Мажлис палаталари ва энг аввало, фракцияларнинг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш, қабул қилинаётган қонунлар, муҳим ижтимоий-сиёсий, иқтисодий давлат дастурларининг ижросини сўзсиз таъминлаш борасидаги фаолияти сифат жиҳатидан янги асосда қурилиши лозим".

Ислом КАРИМОВ

Жаҳон ҳамжамияти томонидан тараққиётнинг "ўзбек модели" сифатида тан олинган ривожланиш йўли асосида Ўзбекистонда мустақилликнинг ўтган йиллари мобайнида ҳокимият тармоқлари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимининг муҳим таркибий қисми бўлиши мамлакат парламенти-нинг роли, ваколатлари ва назорат вазибаларини кучайтириш бўйича кенг қўламли ишлар изчиллик билан, босқичма-босқич амалга оширилди.

Парламентнинг назорат функциясини янада кучайтириш орқали қонунларнинг ижро ҳокимияти томонидан қай даражада амалга оширилётганини ўрганилади, ижтимоий муносабатларни тартибга солиш учун яна қандай қонунлар зарурлиги аниқланади, ҳуқуқни қўллаш амалиётида қандай муаммолар мавжудлиги намоён бўлади ва уларни бартараф этиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилади, жойларда сайловчиларни ташвишга солаётган муаммолар аниқланади ва уларни ҳал этиш чоралари қўрилади, шунингдек Конституция ва қонунлар устуворлигини таъминлашга эришилади.

Шу муносабат билан парламентнинг кундалик ҳаётида парламент эшитувларини ташкил этиш, ҳукумат аъзоларининг, давлат ва ҳўжалик бош-

қаруви органлари раҳбарларининг қонун ҳужжатлари талаблари бажарилиши бўйича ишларнинг аҳоли тўғрисидаги ҳисоботини мунтазам эшитиб бориш, депутатларнинг сўровларига атофлича жавоблар олиши жорий этишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар қўрилди. Хусусан, Қонунчилик палатаси фаолиятини тартибга солувчи, палатанинг назорат ваколатларини аниқ мустаҳкамлаб қўйишга, уларнинг амалга оширилишини таъминлашга, шу жумладан, Қонунчилик палатаси томонидан тегишли йил учун Бюджетни, шунингдек Давлат бюджетни ижроси тўғрисидаги ҳисоботларнинг қўриб чиқилишининг таъсирчан механизмларини яратишга, парламент назоратининг бошқа замонавий шакл ва усулларини жорий этишга қаратилган қонун ҳужжатларини такомиллаштириш масалалари ўрганилди.

Бунда хорижий тажрибани қийсий таҳлил этишга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, "Парламент назоратини амалга оширишга доир ташкилий-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштиришнинг долзарб масалалари: Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар тажрибаси" мавзусида халқаро конференция ўтказилди. Уни сифатли ва самарали ўтказиш мақсадида Қонунчилик палатасида мазкур тадбирга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш

бўйича ишчи гуруҳ ташкил этилди. Халқаро конференцияда иштирок этиш учун ГФР, Япония, ХХР, Корея Республикаси, Эстония, Норвегия каби мамлакатлардан хорижий экспертлар тақлиф этилди.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, ҳар бир ҳокимият тармоғига асосий ваколатлар билан биргаликда бошқа тармоқларга нисбатан назорат қилиш ваколати берилди. Парламент назорати барча мамлакатларда бир хил амалга оширилмайди. Жаҳон парламенти фаолиятига оид қонун ҳужжатларининг таҳлилдан кўринишича, Буюк Британия, Бельгия, Германия, Италия ва бошқа давлатлар қонунчилигида уларнинг назорат қилиш функцияси аниқ қўрсатиб қўйилган.

Парламент назорати соҳасида нафақат хорижий мамлакатлар парламентларида, балки ўзбек миллий парламентаризми тарихида ҳам ўзига хос тажриба тўпланди.

Қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг назорат ваколатларини кенгайтириш ва кучайтириш мақсадида Конституциянинг 78-моддаси парламент палаталарининг парламент назоратини амалга ошириш бўйича ваколатларини конституциявий мустаҳкамлашга қаратилган қоидалар билан тўлдирилди.

Бу тузатишлар ўз навбатида жорий йилнинг 12 апрелида расман эълон қилинган "Парламент назорати тўғрисида"ги Қонунни қабул қилиш учун конституциявий-ҳуқуқий замин яратди.

Мазкур қонун билан парламент назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш соҳасидаги ижтимоий муносабатлар тартибга солиниб, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи орган-

ларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва алоқадорлигини такомиллаштириш, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг парламент олдидаги масъулиятини кучайтириш учун қўшимча механизмлар яратилди.

Қонун билан парламент назорати субъектлари сифатида: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси; Сенати; Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг қўмиталари ва комиссиялари; Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари ва депутатлик гуруҳлари; Қонунчилик палатаси депутatlари; Сенат аъзолари; Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) белгиланган бўлса, назорат объекти сифатида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг, улар мансабдор шахсларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ва улар органларининг қарорларини ҳамда давлат дастурларини ижро этиш, шунингдек улар зиммасига юклатилган вазифа ва функцияларни амалга ошириш борасидаги фаолияти назарда тутилди.

Қонунда парламент назоратининг шакллари сифатида давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ижросининг бориши тўғрисидаги масалаларни қўриб чиқиш; Вазирлар Маҳкамасининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан ҳар йилги маърузасини қўриб чиқиш; Бош вазирнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг айрим долзарб масалалари юзасидан ҳисоботини эшитиш; Қонунчилик пала-

Шерзод ТУХТАШЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси

таси, Сенат мажлисларида ҳукумат аъзоларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасида ахборотини эшитиш; Ҳисоб палатаси; Бош прокурор, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси ҳамда Марказий банк бошқаруви раисининг ҳисоботини эшитиш; Қонунчилик палатаси, Сенат қўмиталари томонидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг ахборотини эшитиш; парламент сўрови; Қонунчилик палатаси депутatlари, Сенат аъзосининг сўрови; Қонунчилик палатаси, Сенат қўмиталари томонидан қонунларнинг ижро этилиши аҳолини, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш, уларнинг қонуности ҳужжатларининг қабул қилиниши юзасидан мониторингни амалга ошириш ҳамда парламент текширувлари белгиланди.

Муҳтасар қилиб айтганда, мамлакатимиз парламент назорат функциясини янада такомиллаштириш жамиятда олий вакиллик органи ҳисобланган парламентнинг нуфузини янада юксалтириш, амалдаги қонун ва бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини тўлиқ рўйбга чиқариш, энг асосийси, давлатимиз ўз олдига қўйган энг олий мақсад — ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишдаги савий-ҳаракатларимизни янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Инновацион ярмарка: яқун ва истиқбол

Пойтахтимизда шу йилнинг 11 май куни IX Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси иш бошлади.

Инновационлар давлатнинг муҳим стратегик ресурсларидан биридир. Муҳим ижтимоий-иқтисодий масалаларни муваффақиятли ҳал этиш, янги санаот технологияларини жорий қилиш, инновация-инвестиция инфратузилмасини ривожлантириш, интеллектуал салохиятини янада юксалтириш, экспорт-боп маҳсулотлар ишлаб чиқариш инновацион фаолият билан бевосита боғлиқ. Мамлакатимизда 9 йилдан буён аънавий ўтказиб қилинаётган Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси инновацион тараққиётни жадаллаштиришдек муҳим вазифани ҳал этиш йўлида санаотчилар, олим ва тадбиркорлар савий-ҳаракатларини интеграциялаштиришга хизмат қилмоқда. Бунинг самарасида ўтган I-VIII ярмаркалар доирасида мамлакатимизда яратилган 3,9 мингдан зиёд ишланма тақдим этилиб, умумий қиймати 112,6 миллиард сўмлик 3,1 мингдан ортиқ шартнома имзоланди.

Шуниси диққатга сазоворки, ушбу шартномаларнинг 47 фоизи қишлоқ ҳўжалиги, 38 фоизи турли санаот тармоқлари, 6 фоизи соғлиқни сақлаш ва фармацевтика, 3 фоизи ахборот тех-



нологиялари соҳасига тўғри келади. Сўнгги 8 йилда "Ўзпахтасаноатэкспорт" ҳолдинг компанияси, "Ўзбекнефтегаз" миллий ҳолдинг компанияси, "Ўзкимёсанот" ва "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятлари, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси каби йирик корхона ва компаниялар мазкур шартномаларни амалга ошириб келмоқда. Натияжада қарийб 60 номдаги янги маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, 55 га яқин турдаги тажриба намуналари тайёрланиб, 100 дан ортиқ ташкилот, корхона ва фермер ҳўжаликларига илмий-техник хизмат кўрсатилди. Умумий қиймати 1,8 триллион сўмдан ортиқ янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

Бу шундан далolat берадики, ўтказилган ярмаркалар юртимиз олимлари ва ишлаб чиқарувчилари ўзаро ҳамкорлигининг ўзига хос самарали механизми бўлиб, илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашуви жараёнини фаоллаштириш, йирик корхоналарда олимларимиз томонидан яратилган инновацион ишланмаларни жорий этиш имконини бермоқда.

Мамлакатимизнинг йирик кон-металлургия комбинатларида Умумий ва но-органик қиммат институтининг қўллаб инновацион ишланмалари, хусусан, суюқ сульфат кислотаси чиқиндисини ва сувни тозалайдиган филтрация тизими, Ме-

ханика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институтининг янги турдаги чанг тозалаш асбоблари, Микробиология институтининг мисни бактериал ажратиб олиш технологияси ва бошқа ишланмалар ишлаб чиқаришга жорий этилди.

Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг илмий ишланмалари ҳам кенг қўлланилмоқда. Тола сифати юқори бўлган, курғоқчилик ва касалликларга чидамли 15 дан ортиқ янги гўза навлари мамлакатимизнинг турли ҳудудларида етиштирилмоқда. Ўсимлик моддалари қиммеси, Биоорганик қиммеси, Полимерлар қиммеси ва физикаси институтлари томонидан ўтган йилларда рагосин, гозалидон, эқдистен, аюстан, рутан, госситан, гетасан, пунитан каби янги дори препаратларини санаот асосида ишлаб чиқариш бўйича юқори самарали технологиялар яратилди. Мамлакатимиз фармацевтика корхоналари ушбу препаратлар асосида янги технологияларни қўллаган ҳолда, 30 дан ортиқ турдаги янги дори-дармонлар ишлаб чиқармоқда.

Иқтисодиёти жадал ривожланаётган Ўзбекистонда энергетика соҳаси, жумладан, муқобил энергетикани ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. "Физика-Қўёш" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Физика-техника институти мутахассислари бу борада қўллаб технологиялар яратди. Институт қошида ташкил этилган корхонада қўёш энергияси ёрдамида ишлайдиган турли фото-

электр тизимлар, жумладан, электр ва иссиқлик энергияси олиш учун комбинацияланган ҳамда сув иситиш учун паст потенциалли тизимлар ишлаб чиқарилмоқда. Ушбу тизимлардан асосан фермерлар, чорвачилик ва асаларчилик ҳўжаликларига фойдаланилмоқда.

IX Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида 600 инновацион ғоя ҳамда ишланмалар тақдим этилди.

Жорий йилда аънаванвий йўналишлардан ташқари, мамлакатимиз илмий ташкилотлари ва университетлар томонидан ишлаб чиқилган, атоф-муҳитни муҳофаза қилиш, қайта тиклашни таъминлайдиган 50 дан ортиқ инновацион технологиялар, қайта тикланадиган энергия манбаларининг самарали фойдаланиш услубларини ўз ичига олган янги "Экотехнология" йўналишини намойиш этилади. Мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари ва тадбиркорлари учун ташкил этиладиган "Юқори технологиялар" йўналишида қарийб 30 илгор инновацион ишланма тақдим этилади. Энергия ва ресурс тежайдиган 50 ишланма намойиш қилинадиган "Энергия ва ресурс тежайдиган технологиялар" йўналишини ҳам санаот корхоналари, тадбиркорлар ва кичик бизнес вакилларида катта қизиқиш уйғотди. Бундан ташқари, навбатдаги ярмаркада ёш олимлар ва талабаларнинг 70 ишланмаси иштирокчилар эътиборига ҳавола этилди.

Долзарб вазифа

Бугунги кунда республика-мизнинг барқарор тараққиёти, энг аввало, мамлакатимиз ҳаётининг турли жабҳаларида меҳнат қилаётган кадрлар салоҳияти, турли даражадаги профессионал касб вакилларининг касбий-меҳнат ресурсларининг фаоллаштириш ва улардан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ вазифаларнинг амалга оширилишига беvosита боғлиқдир.

малакали таркиби кадрлар деб номланади ва айнан шу кадрларнинг малака даражаси мазкур ташкилотнинг мақсад-вазифаларини рўйбга чиқаришда муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Кадрлар — бу давлат аппарати, муассасаси, жамоат ташкилоти бошқарув тизими-га кирувчи малакали ходимлар таркибини ташкил қилади. Кадрлар қуйидаги тоифаларга ажратилади: оммавий касблар бўйича кадрлар, мутахассис кадрлар, бошқарувчи, шу жумладан, раҳбар кадрлар. Давлат хизматига нисбатан татбиқ этганда "кадрлар" давлат раҳбарлари билан бир қаторда, турли хил давлат лавозимларини эгаллаб турган шахслар мажмуидир.

Кадрларнинг касбий билим ва малакасини оширишда уларнинг салоҳиятини юксалтиришга алоҳида эътибор берилади.

Шу боисдан кадрлар салоҳиятининг мазмуни ва аҳамияти бўйича илмий адабиётларда тегишли фикрлар билдирилган. Хусусан, бир гуруҳ

олимларнинг фикрича, "кадрлар салоҳияти" атамаси персоналнинг муҳим хусусиятларини — улардаги очиқ ва яширин қобилиятларни (ҳали фойдаланилмаган, талаб этилмаган) ҳамда профессионал, шахсий имкониятларни ўзида ифода этади. Бу тушунча кадрларнинг профессионал фаолиятида ҳали фойдаланилмаётган, яширин куч-қудратини ифода қилади. Салоҳият эса, ўз навбатида профессионал, яъни касб малакаси билан боғлиқ, шахсий мотивацион, ижодий, ақлий, бошқарувчилик билан боғлиқ ва ҳоказо бўлиши мумкин.

Шундан ҳам кўриш мумкин, юксак салоҳиятли кадрларни шакллантириш беvosита уларнинг малакасини ошириш жараёнларининг қай даражада ташкил этилганлигига боғлиқ бўлади.

Кадрларнинг касбий билим ва малакасини ошириш ҳамда уларни қайта тайёрлаш билан боғлиқ бўлган жараён ўзининг мазмуни, асосий элементлари, моҳияти билан мураккаб ижтимоий муносабатлар йиғиндиси ҳисобланади.

Жўрабек РАХМАНОВ,
Хоразм вилоят прокуратураси бўлим прокурори

Бу жараён босқичма-босқич, изчил тарзда амалга оширилади, фан-техника тараққиётининг сўнгги натижалари билан боғлиқ, ташкилий-бошқарув жиҳатларга, кадрларни танлаш ва тарбиялашга йўналтирилган хусусиятларга эга бўлади.

Кадрларнинг касбий билим ва малакасини ошириш ҳамда уларни қайта тайёрлаш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг аҳамияти шундаки, моҳир ташкилотчилик ва фаол ижрочилик хислатларига эга, ўзига юклатилган хизмат вазифаларини бажариш учун касбий жиҳатдан тайёр, виждонли, юксак ахлоқ ва маънавият эгаси бўлган, идоравий вазифа ва функцияларини қонун ва мансаб ваколатлари доирасида ҳаётга самарали татбиқ этишга қодир, замонавий талабларга жавоб берувчи иқтидорли ходимлар бўлиши зарур.

Мазкур жараён билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар тизими ўзининг мазмунига кўра, тегишли ташкилотларнинг муайян мутахассисликка эга малакали кадрларга нисбатан бўлган эҳтиёжини қондиришга қаратилган ташкилий, таълим, иқтисодий бошқарувчилик, ижтимоий-руҳий ва бошқа кўпгина муносабатларни ўз ичига олади. Бу тизимнинг моҳияти ҳозирги кунда кадрларнинг касбий билим ва малакасини узлуксиз ошириб боришга асосланади.

Хулоса ўрнида айтилган бўлсак, давлат-ҳуқуқ институтларининг кўп асрлик таърибаси шуни кўрсатадики, жамият тараққиётининг кескин бурлиш босқичларида давлат ва жамоат бошқарув тизимини самарали бошқариш учун тегишли ташкилот ва муассасаларда хизмат қилаётган кадрлардан юксак касб маҳорати, кучли ирода, юқори даражадаги ташкилотчилик қобилияти, ностандарт вазиятларда мавжуд масалаларни ҳал қилишга қодирлик талаб қилинади. Бу борада кадрларнинг касбий билим ва малакасини ошириш, бу борадаги сийқатни тўғри белгилаш, ушбу йўналишда кадрларнинг касбий билим ва малакасини оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириб бориш зарур.

Инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат ҳамда очиқ фуқаролик жамиятини барпо этишда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари ва уларни ҳал этиш муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, бу масала Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасида ўз аксини топган бўлиб, унда: "Ҳар бир шахс bevосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда, ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки ҳақ ваколатларига ариза, тақлиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Аризалар, тақлифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт", деб белгиланган.

Электрон мурожаат

Фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқи инсон ҳуқуқлари таъминланиши ва самарали химоя қилинишининг муҳим омилларидан биридир. Шу боис миллий қонунчилигимизда фуқаролар мурожаатлари масаласига алоҳида ўрин берилган.

2014 йилнинг декабрь ойига қадар фуқароларнинг мурожаатлари 2002 йил 13 декабрда қабул қилинган "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳрири асосида тартибга солинар эди. Аммо ушбу қонунда юридик шахсларнинг мурожаати борасидаги қоидалар белгиланмаган, шунингдек, электрон мурожаатлар ҳам назарда тутилмаганди.

Шу боис 2014 йил 3 декабрда "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда уни амалиётга татбиқ этиш борасида 2015 йил 31 мартда Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамасининг "Давлат органлари ва давлат муассасаларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида"ги Қарори қабул қилинди.

Янги қонунда юридик шахсларнинг давлат органлари ва муассасаларига мурожаатлари соҳасидаги муносабатлари қонун йўли билан тартибга солиниб, уларнинг бу борадаги ҳуқуқлари кафолатланди. Шунингдек, қонунда замон талабларидан келиб чиқиб, электрон шаклда мурожаат қилиш ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди. Эндиликда жисмоний ва юридик шахслар белгиланган тартибда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда тегишли идора ёки мансабдор шахсларга мурожаат қилиш мумкин.

Электрон мурожаат электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва электрон ҳужжатнинг уни идентификация қилиш имкониятини берадиган бошқа реқвизитларига эга электрон ҳужжат шаклида бўлиши керак. Қонунда электрон рақамли имзо билан тасдиқланмаган мурожаатлар аноним мурожаатлар деб ҳисобланиши белгилаб қўйилди.


Шунингдек, қонунга мувофиқ жисмоний ва юридик шахслар ўз мурожаатларини улар кўриб чиқилгунга қадар ва кўриб чиқилаётган вақтда мурожаат ўзасидан қарор қабул қилинганга қадар ёзма ёхуд электрон шаклда ариза бериш орқали қайтариб олиш ҳуқуқига ҳам эгадирлар.

Хулоса ўрнида айтганда, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига жиддий эътибор берилса, қонуний кўриб чиқилса, уларни ўйлантираётган масалалар ижобий ҳал этилади. Бу билан фуқароларнинг давлат бошқаруви идораларига бўлган ишончи янада ортади. Энг муҳими, одамларда жамиятимизда юз бераётган ўзгаришлар, жойларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларга дахлдорлик ҳисси янада кучаяди. Шубҳасиз, бу ишонч жамиятимиз тараққиёти ва келажакимиз фаровонлигига хизмат қилади.

Санжар НУРМАТОВ,
Қарши шаҳар прокурорининг ўринбосари

Коррупциянинг жамиятга таъсири

Азаматжон МАМАТКУЛОВ,
СВОЖДЛҚК департаментининг Наманган шаҳар бўлими катта суриштирувчиси



Коррупция таъсирида жамият учун ресурсларнинг нотўғри тақсими, инвестиция кўлами ва давлат бюджетни тушумининг камайиши, хусусий секторда рақобат ва самарадорликнинг пасайиши, ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик ҳаракатларининг кераксиз ортиб кетиши, мамлакат миқёсида ўсish даражасининг секинлашуви, хусусий секторда иш билан бандаликнинг камайиши қонун устуворлигига путур етказиши ва жиноятчиликнинг ўсишига олиб келади.

Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга қаратилган ресурслар баъзи ҳолатларда коррупция гирдобига фарқ бўлиши мумкин. Масалан, солиқ тушуми ва бошқа тўловлар давлат бюджетини тўлдириш ўрнига коррупцияга мойил мансабдор шахсларнинг чўнтагини тўлдиришга хизмат қилиши кузатилади.

Солиқ тўлашдан бўйин товлаш давлат бюджети танқислигини келтириб чиқарувчи энг хавфли ҳолатлардан биридир. Солиқга тортиш борасида коррупциянинг томир отиши айрим ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фирмаларининг норасмий равишда фаолият юритишига имконият яратади, бундай норасмий фирмалар ўз даромадлари бўйича ҳисобот топширмайдилар.

Коррупциянинг мавжудлиги жамиятда юз бераётган жиноятларнинг очилишига тўсқинлик қилади. Бу эса шу каби жиноий фаолиятнинг кўпайишига ва янада кучайишига сабаб бўлади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ҳар қандай ҳолатда ҳам коррупциядан жамият ва инсонлар bevосита азият чекади. Шунинг учун ушбу муаммо глобал муаммо сифатида тан олиниб, унга қарши курашнинг давлатлар ўртасида мувофиқлаштирилган дастурлари ва бошқа ҳуқуқий меъёрлари ишлаб чиқилган. Хусусан, БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси глобал доирада қабул қилинган халқаро-ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, унда коррупцияга қарши халқаро ва миллий кураш амалиётини йўлга қўйиш ҳамда уларни амалга ошириш механизмлари бўйича кўрсатмалар ишлаб чиқилган.


Европа Иттифоқи доирасида ҳам коррупция муаммоси муҳим муаммолардан бири саналиб, аъзо давлатларда унга қарши курашни мувофиқлаштириш мақсадида бир неча ҳужжатлар қабул қилинган. Ушбу ҳужжатлардан энг муҳимлари сифатида "Коррупция учун жиноий жавобгарлик тўғрисида"ги ва "Коррупция учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик тўғрисида"ги конвенцияларни таъкидлаб ўтиш мумкин.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари доирасида эса аъзо давлатлар томонидан 2003 йил 15 ноябрда "Коррупцияга қарши сиёсатнинг қонунчилик асослари тўғрисида"ги модел қонун қабул қилинган.

Юқорида тилга олинган барча халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ва келишувлар коррупцияга қарши курашни ўзаро мувофиқлашган ҳолда олиб бориш, бу борада халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва бир-бирларига техник ёрдам кўрсатишни назарда тутди.



Ўзлаштирилган маблағлар



Инсонга хос бўлган тўғрисиқлик, ҳалоллик, меҳнатсеварлик каби фазилатлар қаторида сабр-тоқат, қаноат қилишдек ижобий хислатлар ҳам борки, уларнинг ҳаммаси камолга етаклайди. Аксинча, нафсига қўл бўлиб тўғри йўлдан оғиш, турли қинғирликларга қўл уришнинг оқибати эса доимо аянчли яқун топади.

2008 йилда "O'zdavyerloyiha" Ўзбек давлат ер тузиш илмий-лойиҳалаш институтининг Сурхондарё бўлини маси директори лавозимига тайинланган Собир Ҳақимов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) бу вазифада беш йил фаолият юритди. Ўтган даврда у геодезия, картография ва бошқа шу каби ишлар бўйича тузилган смета ҳужжатларига сохта маълумотлар киритишни ўзига касб қилади. Яъни шартномаларда юклатилган вазифалар амалда тўлиқ бажарилмас-да, "бажарилди" дея ҳужжатларга сохта маълумотлар киритади. С.Ҳақимов шу йўл билан давлат бюджетдан ажратилган маблағларни ўзлаштириб олаверади. Бу ишда унга бўлинма бош муҳандиси

Шаҳбоз Нуриддинов ёрдам беради. Жумладан, 2009 йилнинг январь ойида Наманган вилоятининг Янгикўрғон, Чортоқ ва Учкўрғон туманлари маъмурий чегарасидаги барча ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларнинг ерларини йўқламадан ўтказиш юзасидан шартнома тузилади. Бироқ амалда шартнома шартлари тўлиқ ижро этилмайди. Туманлардаги 2 минг 558 та хўжаликнинг 38 минг 424 гектар ер майдони йўқламадан ўтказилмагани ҳолда, лойиҳа-қидирув ишлари тайёрлиги ҳақидаги далолатномага сохта маълумотлар киритилиб, 7 млн. сўмликдан зиёдроқ бажарилмаган ишлар қиймати тўловга тақдим этилади.

Февраль ойида эса Жаркўрғон, Термиз, Узун, Денов ва Сароисё туманларида (массивлар бўйича) электрон рақамли хариталар тузиш ишларини бажариш юзасидан тузилган шартнома асосидаги ҳужжатларга сохта маълумотлар қўшиб, бажарилган ишлар далолатномасига 8 млн. 475 минг сўмлик ҳамда 2 млн. сўмлик ортиқча бажарилган ишлар қийматини киритишди ва шу йўл билан давлат бюджетининг 6 млн. сўмдан ошдиқ маблағини талон-торож қилишди.

Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Умуман олганда эса, бўлинма мутасаддилари томонидан юқоридаги йўллар билан жами 28 млн. 60 минг сўмлик бюджет маблағи ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилинади.

Шу ўринда бўлинма фаолияти билан боғлиқ яна бир ҳолат ҳам борки, ўрни келганда у ҳақда тўхталиб ўтиш лозим. Гап шундаки, Яққасарой туманида рўйхатдан ўтган "Grant Glassik" МЧЖ раҳбари Мурод Саттаров билан "O'zdavyerloyiha" мутасаддилари ўртасида кўчмалар, хўжалик моллари етказиб бериш, компьютер хизмати кўрсатиш каби ишлар юзасидан шартномалар имзоланади. Кейин эса маҳсулот етказиб берилгани ҳақидаги ҳисоб варақалар ва ишлар бажарилгани тўғрисидаги далолатномаларга сохта маълумотлар киритилиб, "Grant Glassik" МЧЖнинг муҳри ва "O'zdavyerloyiha"нинг девонхона муҳри қўйилади. Аммо имзоланмасдан, шунинг-

Хусан ХУСАНОВ,

Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим АМИБ катта терговчиси

дек, белгиланган ишлар бажарилмаган, маҳсулотлар эса етказиб берилмаган бўлишига қарамай, ушбу шартномаларга асосан "O'zdavyerloyiha" томонидан "Grant Glassik" МЧЖнинг ҳисоб рақамига 63 млн. сўмдан ошдиқроқ маблағ ўтказиб берилди ва ушбу пуллар М.Саттаров томонидан нақдлаштирилиб, ўзаро бўлиб олинади.

Аниқланишича, "Grant Glassik" МЧЖ раҳбари Мурод Саттаровнинг қинғирликлари фақат шулардангина иборат эмас экан. У "Ziyo Non" ШК билан маҳсулот етказиб бериш тўғрисида шартнома имзолайди ва МЧЖ "Grant Glassik" қабул қилинди" ёзувли штамп ясаптиради ва уни ШК мансабдорларига бериб юборади. Улар томонидан эса ўз навбатида шартнома бўйича жами 340 млн. сўмлик қолипни нонлар олиниши юзасидан расмийлаштирилган ҳисоб-фактураларга штамп қўйилади. Бироқ "Grant Glassik" МЧЖ томонидан нон маҳсулотлари кирим қилинмай, нақд пулга сотиб юборилди. Бу билан эса савдо қондалари жуда кўп миқдордаги қийматда бузилади.

Ушбу ҳолатлар юзасидан жиноят иши кўзга тилиб, айбдор шахсларга суд томонидан тегишли жазо тайинланди.

«Нексия» ишқибозлари чўв тушди

Узоғимизни яқин, оғиримизни энгил қилаётган автоуловларнинг русуми кўпайиб кетган. Шу-нинг баробарида, "Машина оламан", деб йиллар давомида йиғинган айрим сода кишилар фирибгарларнинг тўзогога иланиб, ҳам пулидан, ҳам машинадан айрилиб қолаётти.



Шухрат ХОЛМИРЗАЕВ,
Самарқанд вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Асқар кўли гул уста. Шаҳардаги автосалонлардан бирида машина таъмирловчи уста бўлиб ишлайди. Меҳнати ортдан ўзига яраша обрў-этибор ва танишлар ортирди. Бироқ, уни шайтон йўлдан оздирди, ҳуллас, танлаган йўлидан адашди. Жон қойитмасдан осонгина мўмай даромад қилиш йўллари ахтариб қолди.

Бир кун унга махалладоши Бахрилло телефон қилиб:

— Асқар, қисқа муддатда автосалондан машина чиқаришнинг иложи борми? — дея сўраб қолди.

— Сиз учун иложи бор, — деди Асқар.

— Мен эмас, бир танишим олмоқчи эди.

— Танишингиз билан бирга келинг, гаплашамиз, — деди Асқар. Бироздан сўнг улар Асқарнинг иш жойига етиб келишди.

— Мана бу киши машина олмоқчи, — деди Бахрилло Иззатни унга таништириб.

— Қанақа машина олмоқчиси? — сўради Асқар.

— "Нексия" олмоқчи эдим.

— Бунинг иложи бор, — деди Асқар. — Сизга машинани қисқа муддатда олиб беришим мумкин.

— Қанча тўлов қилишим керак, қайси бандкан? — сўради хурсанд бўлиб кетган Иззат.

— Автомашина нархининг 85 фоизини тўлайсиз, — деди Асқар. — Қолган 15 фоизини машинани олиб чиқиш арасида тўлайсиз. Бу пулларни менга бераверинг. Ўзим ҳам-

масини банкка тўлаб, шартнома ва тўлов чекини сизга бераман.

Тез орада янги машинали бўлишини ўйлаган Иззат эртаси куниёқ Асқарга 8 минг 800 АҚШ доллар келтириб берди. Шундай фурсатни қўлиб юрган Асқарнинг эса омади келди. У пулларни банкка топширмади, аксинча ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборди. Хатто махалладоши Бахрилло-ни ҳам юз-хотир қилмади. Иззатнинг телефон кўнгирикларига эса турли бахонали жавоблар бераверди.

Афсуски, Асқарнинг қинғирликлари шу билан тугамайди. Кўп ўтмай автосалонда юрган нотаниш кишига эътибор қаратган Асқар унинг ёнига бориб, ўзини машина таъмирловчи уста, деб таништирди-да, нима ёрдам кераклигини сўради.

— Салондан "Нексия"га тўлов қилиш учун келгандим. Буни қаранг, қисқа вақтда машина олишим мумкин экан-а! — деди ўзини булунғурлик Фурқат деб таништирган йигит.

— Ундан ҳам тезроқ олиш йўллари ҳам бор, — деди Асқар. — Хоҳласангиз, ёрдам қиламан.

— Барака топинг. Агар иложи бўлса ёрдам қилсангиз. Биздан қайтмаса, худодан қайтар...

— Майли сиз 85 фоиз тўловни қилаверинг. Машинангизни тезда чиқариб бераман, — ваъдани қуюқ қилди Асқар.

Орадан бир неча кун ўтган, улар қўчада учрашишди.

— Ака ишингиз ҳал бўлай деб қолди. Машинангизни чиқариб, ўзим сизга телефон қиламан, — деди Асқар. Сўзининг устидан чиқиб, бир неча кундан кейин Фурқатга телефон қилди:

— Ака, машина тез кунда чиқади. Қолган 15 фоиз тўловни олиб келинг.

Унга ишонган Фурқат автосалонга келди. Асқар Фурқатдан 1600 АҚШ доллари ва 500 минг сўм пулни "банкка топшираман" деб олди-ю, бироқ пулларни ўз нафси йўлида сарфлаб юборди.

Қилмишларини ҳеч ким сезмаётганидан ҳаволаниб кетган Асқар яна шундай "Нексия" ишқибозларидан 4 нафари — Ҳамроқул Азимовдан 19 млн. 243 минг сўмга тенг бўлган 8 минг АҚШ доллари, Жамшид Аваббаевдан 47 млн. 250 минг сўм, Мансур Ботировдан 35 млн. сўм ҳамда Аҳмадқул Низомовдан 21 млн. 925 минг сўмга тенг бўлган 9 минг АҚШ доллари олиб олиб, сарфлаб юборди.

Қоп-қоп ваъдалар бериб, ўзгаларнинг пешона териси эвазига маза қилиб, пул хидидан сармаст бўлган Асқарнинг устидан жабрланувчилар тегишли жойга арз қилишди.

Суд ҳукми билан Асқар Бўронов 6 йил муддатга озодлиқдан маҳрум қилинган. Пора предмети ҳисобланган 146 млн. 751 минг сўм пуллар Асқар Бўроновдан давлат фойдасига ундирилиганидан бўлди.

Биламизки, иймони суст, иззатталаб, тирноқ остидан кир ахарувчи одам мастагида жанжалга мойил, ўзини бошқара олмай, арзиманг нарсалар юздор чиқаради. Улафати ёки бошқа кишининг тўғри маънодаги гапини ҳам тескарисига буриб тилига, қўлига эрк беради. Сўқиниб, ҳақоратлаб, муштлашади. Ўзига, бировага жараҳат етказишга сабабчи бўлади. Баъзан эса мастликдаги можаро фожиали яқунланади.

Улфатчиликнинг машъум интиҳоси

Аҳоржон ЁКУБОВ,
Қўқон шаҳар прокурорининг ўринбосари

Остонада қиш, декабрь ойининг биринчи куни эди. Умаржон (исм-фамилиялар ўзгартирилган) кечки пайт, соат сақкизда улфати Расулжон билан маҳалладаги қўшини уйда очган ошхонага кириб келди. Ҳўрандаб сийрак, шу боис ошхона эгаси Акрамжон қўшни йигитнинг таклифига йўқ, демади. Умаржон пилбага арок ўқини узатганида қайтармади. Аччиқ-чучук билан газак қилиб ўтиришди. Кабобпаз дастурхонга кабоб келтириб қўйиб, ортига қайтди.

— Хей, бефаросат, кирганда-чиққанда эшикни ёпиб юр! — дея Умаржон кабобпазни чангитиб сўқди.

Қўлида ишлайдиган одамни ҳақоратлагани Акрамжоннинг нафсониятига теги.

— Катта холангни уйимни, тилиннга эрк берма!

Кайфи тороқ Умаржон ёмон сўқинди. "Тур, йўқол" дея ҳайдаб солган Акрамжон билан муштлашди, кўзини кўқартирди. Расулжон уларни ажратиб, қўл телефонда ҳамон ўзини боса олмай сўқинаётган Умаржоннинг ақсини чакирди. Усмон ака етиб келиб, уқасини ташқарига судради. Ташқарида ошхона эгаси — Акрамжоннинг ўғли, уқалари, Усмон ақанинг ўғиллари тўпланган, ким ҳақ, ким ноҳақ, уришни ким бошлади, муҳокама қилишаётган эди. Кўз ости кўқарган Акрамжонни ичкари уйга олиб кириб кетишди. Усмон ака Умаржонни ўғилларига қолдириб, шу яқинда турадиган, икки-уч марта қамалиб чиққан Акрамжоннинг уйига кириб борди, уқасининг қилмиши учун ундан узр сўради.

— Укам сизнинг уқангиз билан жанжаллашиб қўлибди, — дея можаро газаклаб кетишининг олдини олишга тиришди. — Иккаласиям маст. Эртага, соғилқларид гаплашамиз, яраштириб қўямиз.

Муқаддам тўрт марта жиноятга қўл уриб судланган, сўнги ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ақинда ўтаб бўлган эллик уч яшар Акрамжоннинг ҳам кайфи тороқ, арок ичб олган, гап уқадиган ахволда эмасди. Ўзича, укамга қўл кўтаргани соғ қўймайман, дея ошхона пичогини қўйнига яшириб, Усмон ақанинг ортидан кўчага чиқди. Беш-олти киши тўпланиб турган ошхонага яқинлашди. Ҳамон озгидан боди кириб, шоди чиқаётган Умаржонга хезланди. Чап кўрагига бир марта пичоқ санчиб олди. Йигит қўқсини чангаллаганича ўн-ўн беш қадам ташлаб йиқилди. Гап талашаётган йигитларни тинчатишга уринган Усмон ака ортига ўгирилганида уқаси юзтубан ётарди. Йўловчи "Дамас" машинасини тўхтатди. Шифохонада врачларнинг муолажалари зое кетди. Юрагидан жараҳат олган Умаржон орадан тўрт соат ўтиб вафот этди.

Тузалиш йўлига ўтмасдан тақоран жиноятга қўл урган, бирининг умрига зомин бўлган Ақмал Маъмуровга суд узоқ муддатга озодлиқдан маҳрум этиш жазосини тайинлади.

Гиёвандлик модаллари олди-сотдиси билан боғлиқ жиноятларга қарши кураш авж олиб турган бир вақтда айрим кимсаларнинг ўз билганича иш тутиб, нафс кўйидан чиқа олмайётганликлари, даромад орттиришнинг ушбу кўринишдаги енгил, аммо охири аянчли бўлган йўлини таллаётганликлари кишини ажаблантиради. Ҳолбуки, озгина миқдордаги оғу ҳам келгусида катта қулфатларга сабабчи бўлади. Кишилар соғлиғи, руҳиятини издан чиқарибгина қолмай, бора-бора жамиятимиздаги соғлом ҳаётга ҳам раҳна солади. Гиёвандликка берилган кимсаларнинг ўзидан бошқа қайғуси бўлмайди. Унинг онги майиб-мажруҳ бўлиб, эртанги кун ва умумжамиyat ташвишларидан четга чиқиб қолади. Обрўсидан, соғиғидан айрилади.

Қора пакетнинг «сири»

Нодирбек МАМАТАЗИЗОВ,
Булоқбоши туман
прокурорининг ёрдамчиси

Жамиятимиз ва давлатимизнинг алоҳида ғамхўрлиги, ҳар бир инсонга шафқат ва муруввати шундаки, бу турдаги жиноий жавобгарликка тортилган кимсаларга жазо ўташ даврида мажбурий тиббий даво чораларини ҳам кўради. Токи, у келгусида бу иллатдан тамомила фориг бўлиб, соғлом ва хурфиқри кишилар сафидан жой олсин. Унинг ортидан келаётган фарзандларининг жамият ва эл олдида отаси сабаб боши эгилмасин. Бу жуда катта аҳамият касб этувчи инсонийликдир. Жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар суди томонидан ўтказилган суд мажлисида шу турдаги жиноятлардан бири кўрилди.

Яхшибой Қурбонов кўшни республикада туғилган, миллати ўзбек. Муқаддам уч марта жиноий жавобгарликка тортилган. Қарангки, у бу ишлардан ўзи учун сабоқ ололмаган шекилли, билган ишини қилиб, аввалгидай ҳаёт кечиршида давом этди. Жазони ўтаб чиққандан сўнг ҳам бир ишнинг бошини тутмади. Озодликка чиқиб, чорва молларига қараб юрган бўлди, шу билан ўзини овутиди. Ана шу кезларда оёғи шикастланди. Даволаниш асносида шифохонага қатнаб юрди. Кунларнинг бирида адирлик ёнига борган Яхшибойнинг кўзига пастликда — дарахт соясига ўсган қандайдир ўсимлик кўринди. Ҳа, у адашмаган эди — ўсимлик таркибиде гиёвандлик модда сакловчи наша эди. У у ёқ-бу ёққа аланглади-да, секин энгашиб, наша ўсимлиги барглари сидириб олди. "Буни сотсам, яхшигина пул бўлади!", ўйлади у. Яхшибой ушбу ўй тасвирида тогган "бойлиги"ни имкон қадар кўздан пана жойга яширишни кўзлади. Ниҳоят, ўйлай-ўйлай топди — ёнидан икита қора целлофан пакет чиқариб, оғуни унга авайлаб жойлади. Кўчадаги тахта кутисидан гугурт кутиларини топди. Оғуни бўлиб-бўлиб уларга жойлаб, ўша ердаги дарахт остига яширди.

— Ака, нима қиляпсиз? — деди кунлардан бирида унга дуч келиб қолган Асрор.

— Э, кўрмайсаним, шу ерда насибамиз бор экан. Даволаняпман, — изох берди Яхшибой инграб.

— Нима бўлди? — сўради Асрор.

— Оёғим лат ебди. Шунга босиш қийин бўляпти.

— Кўрмагандек бўл кетасиз, — тасалли берди таниши.

— Хўш, ўзингни қайси шамол учирди? — сўради Яхшибой.

Асрор бу ерда гарчи иккисидан ўзга биров бўлмаса ҳам, овозини бир қадар пастлатиб, наша излаб юрганигини, таниш-билишларида ёки ўзида бўлса, улгуржи сотиб олишни маълум қилди. Яхшибойнинг кўз олдида дарров дарахт остидаги "хазина" келди ва унга истаган нарчасини топиб беришни ваъда қилди.

— Яшанг, ака, шу томонларингизга борман-да! — деди Асрор.

Яхшибой танишини дарахт ёнига бошлаб келди. У ердан 115 та қутига жойланган гиёвандлик воситасини танишига сотди. Соф оғирлиги 469,08 граммни ташкил этувчи бу модда савдосидан Яхшибой 2 млн. 200 миң сўм "даромад" қилди. Бу даромад Яхшибойга аскарларди дейсизми? Қайқда? Яхшибой ашёвий далил билан кўлга олинди. Тезкор тадбир жараёнида, шунингдек, унинг дарахт тахтада саклаб келаётган иккинчи қора пакетдаги "хазина" си ҳам олинди.

Текширишлар давомиде ушбу оғунинг вазни 348,82 грамм экани аён бўлди. Тўртинчи қарра нафс кўйига кирган, гиёвандлик моддасини саклаб келаётган Яхшибой Қурбонов Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли модда ва бандларига қўра, айбдор деб топилди ва ўн бир йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига тортилди.



Одамийлик йўқолмасин

Ҳар қандай йигит ёки қиз балоғатга етгач, ўзига умр йўлдош танлайди. Эр-хотин бўлиб, никоҳ ришталарини боғларкан, ўз умр йўлдошига содиқ бўлишга, ҳаётининг аччиқ-чучугини биргаликда баҳам кўришга, бир-бирини авайлаб-асрашга интилади. Боиси, қонунларимиз талаби шундай.

Зеро, оила кўрғони муқаддас дейилиши ҳам беҳиз эмас. Ўзaro меҳр-оқибатнинг тақчиллиги аввало, кўрғон деворларининг дарз кетишига, кейинроқ эса бутунлай емирилишига сабаб бўлиши мумкин. Қарши туманидаги "Чаман" қишлоқ фуқаролар йиғинида яшаган Улугбек Авазов 2000 йилда Қарши шаҳрида яшовчи Нодира Асқарова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) билан қонуний никоҳдан ўтиб, яшаб келган. Шаръий никоҳдан ўтаётганида эса турмуш ўртоғини ташлаб кетмаслигига, уни моддий таъминлашга сўз берган.

Афсуски, у тўйдан олдинги "ўлдим-қуйдим"ларини ҳам, оиласи олдидаги масъулиятини ҳам тезда унутди. Бирон-бир ишнинг бошини тутиб, оиласини моддий таъминлашни ўйламади. 2001 йил 11 апрелда улар ўғил кўришди. Ўғил фарзанд ота-она учун ушалган орзу, юрак бутунлигидир. Қолаверса, жон қушандаси ҳам, мол қушандаси ҳам эркак зоти бор уйдан ҳайкамади. Лекин ўғил фарзанд кўришлари ҳам, кейинчалик қизли бўлишлари ҳам Улугбекни унчалик қувонтирмади. Шунда ҳам мурасизлик ўрнини ахиллик, муҳаббат эгалламади. Улугбек ҳар кун ичиб, уйга маст ҳолда келишни, турмуш ўртоғини ҳақоратлаб, уриб-суқиниш қанда қилмади. Қариндош-уруғлар уларни мурасига келтиришга қўл уринишди. Аммо бу уринишлардан ҳеч қандай наф чиқмади.

Нодира эрининг ичиб келишига ҳам, рўзғорни моддий таъминлай олмаслигига ҳам чидарди. Лекин Улугбекнинг ичиб келиб, жанжал кўтаришига, бе-сабаб дўппослашларига чидаши амримаҳол эди. Кунларнинг бирида эри яна ичиб келиб, аёвсиз калтақлади. Юз-кўзи моматалоқ бўлиб кетган, хўрланган, ҳақоратланган Нодира болаларини олиб, ота-онасиникига кетиб қолди. Қизини бу аҳволда кўрган ота-онанинг ҳолатини тушунаверинг...

Бир неча кун ўз ҳолича яшаган Улугбек уйда ёлғизликдан сиқилиб кетди ва хотини-ю болаларини олиб келиш учун қай-нотасиникига йўл олди. Бечора ота-она куёвининг қизига ўтказган зулму ситамларидан хабардор бўлишса-да, бу ҳақда оғиз очмасди. Виждонсиз куёв эса гўё ҳеч нарса бўлмагандек, хотинига уйга кетишга тайёргарлик кўришини тайинлади. Бироқ Нодира "Уйингизга қайтиб бормайман", деб оёқ тираб туриб олди. Улугбек тавба-тазарру қилиб, бундан кейин

ичмаслигини ва ҳатто чертмаслигини айтиб, қуюқ ваъдаларни қалаштириб ташлади. Ваъдаларнинг ишончилигини оширишга ҳаракат қилди. Унга ишонган Нодира шояд энди тўғри йўлга кирса, деган умид билан болаларини олиб уйига қайтди.

Орадан ҳеч қанча фурсат ўтмасдан бебурд эр берган ваъдаларини унутиб, яна эски қилигини давом эттирди. Ҳар кун кўчадан маст-аласт ҳолда келиб, хотинини бўлар-бўлмасга дўппослай бошлади. Азоб-уқубатларга чидабўлмаган хотин ота-онасиникига кетиб қолишдан, ичкиликка ружу қўйган эр эса қуюқдан-қуюқ ваъдалар бериб, уни қайтариб олиб келишдан чарчамади. Ҳар бир нарса-нинг ўз интихоси бўлганидек, Нодиранинг ҳам сабр касоси тўлиб-тошди. Ота-онасиникига қайтиб келиб, бошқа унинг ваъдаларига ишонмаслигига ва у билан қонуний ажрашишга қарор қилди.

Фуқаролик ишлари бўйича Қарши туманлараро судининг 2015 йил 5 майдаги ҳал қилув қарори билан уларнинг ўрталаридаги никоҳ бекор қилинди. Қонуний ажрашганларидан сўнг ҳам Улугбек собиқ хотинининг яшаш манзилига бориб ҳақоратлаб, уруш-жанжал қилишни қанда қилмади.

Собиқ эрининг вақт-бевақт безовта қилаверишидан безор бўлган Н.Асқарова иккинчи марта турмуш қуриб, ота-онасининг уйидан кетишга мажбур бўлди. Улугбек собиқ турмуш ўртоғи Нодиранинг турмушга чиққанини укасидан эшитди. У оиласидан ажрашишга гўёки, қайсинглиси Дилдора Асқарова ва қайнонаси Наргиза Боймуродоваларни сабабчи деб ҳисоблайди. Улардан ўч олиш, яъни қасддан ўлдириш мақсадида кечаси уйдан ошхона пичогини олиб, қайнона-си ва қайсинглиси яшайдиган уйнинг деворидан ошиб, ҳовлига қиради. Ҳовлидаги тапир-тупурини эшитиб, уйдан чиққан қайсинглисига "Хотиним билан никоҳдан ажралиб кетишимга сенлар сабабчисанлар", дейди-да, қўлидаги пичокни унинг қорнига санчади. Дилдора уйга қочиб кириб, "Икки болам етим қолмасин, мени ўлдирманг, поччакон", деб йўғлаб ялинишига қарамасдан уни ҳовлига судраб чиқиб, тўғри келган жойига пичок санча бошлади ва саккиз жойидан оғир жароҳатлайди.

Одамзод инсонийликни нўтғанда даҳшатли ҳайвондан, қўрқинчли махлукдан фарқи қолмас экан. Қизига ёрдам

Абдурауф ТЕМИРОВ,
Қашқадарё вилоят
прокуратураси бўлим катта
прокурори
Норбўта ҲОЗИЕВ,
«Huquq»

бермоқчи бўлган собиқ қайнонасини кўрган Улугбекнинг кўзи қонга тўлиб, қутуриб кетди. Қайнонасига бир неча марта пичок санчади. Собиқ қайнонаси Н.Асқаров ва кўни-қўшнилари чиқиб аралашганликлари туфайлигина Улугбекнинг собиқ қайнонаси ва қайсинглисини қасддан ўлдириш ҳаракати ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатда охирига етмай қолади.

Она-бола республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази вилоят филиалига олиб борилди. Ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатилганлиги, шифокорларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли уларнинг ҳаёти сақлаб қолинади.


Ичкиликбозлик ва унинг салбий оқибатлари хусусида жуда кўп гапиримиз. Ичкиликбозлик инсониятга ҳам, миллатга ҳам ҳеч қачон яхшилик олиб келмаган. Унинг оқибатида кимдир отасидан, яна кимдир яқинларидан ёки фарзандидан жудо бўлган. Мутахассисларнинг фикрича, жиноятларнинг кўп қисми ичкиликбозлик оқибатида содир этилади. Улугбек Авазов ҳам ичкиликбозлик оқибатида қўлини қонга ботирди.

Қилмиш — қидирмиш, деганларидек Улугбек қилмишига яраша жазосини олди. Жиноят ишлари бўйича вилоят судининг ҳукмига қўра, у узил-қесил ўн уч йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Хулоса қиладиган бўлсак, бу дунёда кимдир ўзидан яхши ном қолдириш учун оқил фарзандларни тарбиялаб элга қўшади, кимдир бог барпо этади. Фалакиёт илмидан маълумки, барча сайёралар Кўёш атрофида ва ўз ўқи атрофида айланади. Бу — табиат қонуни. Бўлмаса, олам издан чиқарди. Шунингдек, ҳар бир оиланинг ҳам ўзи айланадиган ўқи аънафлари, муқаддас китоби, урф-нафари бўлмоғи лозим. Отадан ўғилга, ўғилдан набирага мерос бўлиб ўтадиган аънафалари, меҳр-оқибат билан йўғрилган удумлари бўлиши керак. Шунда ота-бола, қариндош-уруғ, ёру биродар, ҳамқишлоғ-у қўшнлар бир-бирларига меҳр-оқибатли бўладилар. Қолаверса, маънавий бой, ахлоқан пок ва жисмонан соғлом авлодди тарбиялаб воёга етказиш аввало оиладан бошланади. Эзгулик, фидойилик, мардлик, инсоф ва раҳм-шафқат каби ҳислатлар дастлаб оилада шаклланади. Оила тарбияси боланинг келажакда ким бўлиб етишишида муҳим ўрин тутди. Шундай экан, кўзингизни очинг, атрофга сергак боқинг.

2016 йил — Соғлом она ва бола йили

Ғурурим, ифтихорим Ватан!



Муҳтарам Юртбошимиз истиқлолнинг илк йилларида спортни, хусусан, болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилар. Зеро, спорт мамлакатнинг довруғига довруқ қўшувчи, инсоннинг шахс сифатида шаклланишига хизмат қилувчи, қолаверса, соғлом ва баркамол, кўркам бўлиб узоқ умр кўришини кафолатловчи улкан воситадир.

Бугун ўзбек йигит-қизлари спортнинг барча турлари бўйича жаҳон майдонларида ўз маҳоратларини намойён қилмоқда, ғолиблик шохсупасидан жой олмоқда. Боиси унинг елкасидан қоқиб кўювчи, ўз меҳрини, эътиборини намойён қилувчи, "барчангизни бағривми босаман", дея алқаб турувчи Президентимиз бор. Укаларимиз, ўғил-қизларимиз "Ўзбекистон" отлиг буюк давлат номидан курашга чиқадилар. Шу халқ, шу Ватан гурурини ҳимоя қилиш учун жонжаҳди билан ҳаракат қиладилар. Улар меҳнати рағбат топишига, 30 миллионлик халқ умид кўзини тикиб турганига, қўллаб-қувватлаётганига ишонадилар.

Бугун она диёримизнинг кай худудига ташир буюрманг, замонавий спорт майдончалари, спорт иншоотларига кўзингиз тушади. Уларда юзлаб, минглаб ўғил-қизларимиз спортнинг ўзи танлаган йўналиши бўйича машғулотларда иштирок этмоқда. Ҳар бирининг қалбида улкан орзу: "Мен чемпион бўламан, мен Ўзбекистоннинг довруғига довруқ қўшаман!" Бундай улкан орзу ва мақсадни фарзандларимизга истиқлол берди.

Мамлакатимиз мустақилликни кўлга киритган биринчи кундан жамиятда соғлом авлодни шакллантириш барча ислохотларнинг устувор йўналиши қилиб белгиланиши беҳиз эмас. Соғлом авлод деганда, биринчи галда, жисмоний ва қолаверса, руҳий, ижтимоий баркамоллик ҳам назарда тутилди. Бунда спортнинг ўрни катта.

Мамлакатимизда ёшлар орасида жисмоний маданият ва спортни ривожлантиришда ўзига хос йўналиш танландики, бу йўналишдаги асосий мақсад ва вазифалар ҳар бир ёшнинг онгига жисмоний тарбия, жисмоний фаоллик ва спортни алоҳида кундалик одати ижтимоий меъёр сифатида сингдиришдан иборатдир.

Дарҳақиқат, жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги улкан ишларни изчил давом эттириш, аynиқса, спорт комплекслари ҳамда стадионлар

бунёд этиш, уларни замонавий спорт анжумлари, юқори малакали спорт усталари ва мураббийлар билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Соғлом миллат, соғлом насллар тўғрисидаги ғамхўрлик 2016 йилнинг "Соғлом она ва бола йили" дея номланганига сабаб бўлди. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, "Соғлом бола соғлом ва аҳил оиланинг меваси". Бундай оиланинг шаклланишида, болаларнинг соғлом бўлиб вояга етишларида спортнинг ўрни беқиёс.

Бугунги кунда Хоразм вилоятида ҳам баркамол авлод тарбияси йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бундай тадбирларнинг аввалида ёшларни спортга жалб қилиш юмушлари турибди. Бунинг учун эса биринчи навбатда барча кулайликларга эга спорт иншоотлари бунёд этилишига эътибор қаратилмоқда. Ўтган йили Урганчда барпо этилган спорт шаҳарчаси ёшу кексага бир-дай қувонч бахш этди.

2013 йилда қурилиш ишлари бошланганидан кейин "Ёшлик" деб номланган маскан барпо этилди. Қисқа вақтда бу ерда мактабга таълим муассасаси, болалар майдончалари, умумтаълим мактаби, Туризм ва меҳмонхона коллежи, маҳобатли спорт мажмуаси, автошоҳбехат, кўплаб турар жой бинолари бунёд этилди. Замонавий равон кўчалар ва хиёбонлар, маиший хизмат ва савдо марказларининг фаолияти йўлга қўйилди. Бир сўз билан айтганда, Ёшлик шаҳарчаси Урганчнинг энг кўркам худудларидан бирига айланди.

Бу ерда тикланган иншоотлар орасида "Ёшлик" спорт мажмуаси ўзининг алоҳида ўрнига эга. 9,3 гектарни эгаллаган ушбу мажмуа нафақат вилоятда, балки республика миқёсда ҳам ўзининг ноёблиги билан туркум иншоотлар ичида ажралиб туради, деб бемалол айтиш мумкин.

Комплексда манеж, 2 та универсал спорт зали, ёпиқ сузиш ҳаваси, баскетбол, волейбол, мини футбол, гимнастика ва трамплин, бадминтон майдончалари, шахмат ва

шашка билан шуғулланиш учун алоҳида заллар мавжуд. Комплекс Европа стандартларидаги энг замонавий спорт анжумлари ва ускуналари билан жиҳозланди. Эндиликда ушбу мажмуада қитъа ва жаҳон миқёсидаги исталган спорт мусобақасини ўтказиш мумкин.

Ушбу спорт мажмуаси ишга тушиши билан шубҳасиз вилоятда болалар спортини ривожлантириш учун янада кенг имкониятлар очилди. Қачонлардир: "Қўйсангчи, нима қиласан, тўпнинг орқасидан юғриб, ундан кўра молларга қарсангчи", дея фарзандига танбеҳ берган оталар бугун ўғилларини ўзлари етаклаб


дек улкан орзуларга эришиш имконини бермоқда. Муҳими эса, фарзандларимиз бу орзулар орзулигича қолмаслигига, албатта ушалишига ишонишди. Уларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик бу ишончга асос бўлиб хизмат қилади.

Эндиликда спорт деганда югуриш ёки футбол, волейбол ўйнашдан ташқари каратэ, бокс, кикбоксинг, самбо, миллий кураш, стол тенниси, катта теннис, стритбол, ядро улоқтириш каби спорт турларини ҳам тушунаемиз... Бу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин. Демокчи бўлганим, бугуннинг болалари ушбу спорт турларини фақат телевидение орқали томоша қилиб қолмасдан, уларнинг моҳир усталарига айланмоқдалар, ўзлари телеочраклар, газета ва журналлардаги мақолалар, сайтлардаги ахборотлар қаҳрамонларига айланмоқдалар. Эътибор эса энг чекка қишлоқларга кўпроқ қаратилмоқда. Бугун қишлоқлардаги умумтаълим мактабларида, шунингдек, аҳоли пунктларида замонавий спорт мажмуалари барпо этиш, уларни зарур спорт анжумлари ва ускуналар билан жиҳозлаш ишлари самарали олиб борилмоқда. Иқтидорли болаларни ихтисослашган спорт мактабларига жалб этиш, малакали мураббийлар сафини кенгайтириш борасида ҳам изчил ишлар амалга

Ойбек ЖУМАНИЕЗОВ,
«Ниҳод»

пайтда шаҳар ва туманларда, таълим-тарбия муассасаларида 3451 та турли спорт иншоотлари самарали фаолият кўрсатмоқда. Бу рақамлар юқорида айтганларимиз — болалар спортини ривожлантириш учун яратилаётган шарт-шароитлар ҳақидаги тасаввурларимизни ҳам бойитишга хизмат қилиши аниқ. Ахир, шароит яхши бўлмаса, мураббийлар етарлича ўргатмаса, болаларимиз спортга бунчалик меҳр қўйишмаган бўлишарди.

— Умуман, бугун фарзандларимизга қараб туриб, спортимизнинг келажаги нурафшонлигини, юртимиз келажакда ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада тараққий қилишини кўз олдимиғизга келтириш мумкин. Ахир, спорт — саломатлик гарови. Жисмонан соғлом ёшларгина мамлакатга чинакам таянч бўла олади. Барча соҳаларда ютуқларни кўлга киритадилар. Болаларни спортга жалб қилиш вояга етмаганлар ўртасида киноятчиликнинг олдини олишга хизмат қилмоқда. Жиноятчиликнинг камайиши эса мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий юксалишига замин яратди. Спорт болаларимизга кимларнинг авлодлари эканлигини теран ҳис қилишга, аждодларга муносиб ворис сифатида ўзларини намойён



спорт машғулотларига бош-лаб келишяпти. "Спорт қизларга ярашмайдиган", деган оталар ҳам қизларнинг бахти, саломатлигини ўйлаб, спорт майдончаларига бошлашмоқда. Фарзандларимизнинг эса шижоати баланд. Вужудда гайрат-шижоат, Ватанга муҳаббат қайнаётган, қонида аждодлар каби буюк бўлишга иштиёқ кўпирётган болалар турли спорт мусобақаларида ўз маҳоратларини намойиш қилмоқдалар. Шунга яраша кунда-кунора ёш спортчиларнинг мамлакат ва халқаро миқёсдаги спорт анжуманларидаги фаол иштироки, муваффақияти ҳақидаги хушхабарлар қалбимизни тоғдай кўтармоқда. Бу эса оддий қишлоқ боласига ҳам дунёни лол қилдириши, Ўзбекистон байроғини баланд кўтариш-

оширилаётди. Юрт байроғини юксак кўтариш, "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", "Универсиада" мусобақалари ғолиблари бўлиш иштиёқни иқтидорли болалар қалбини тобора кенгроқ чулғамоқда. Улардаги иштиёқни кўрган мураббийларимиз қачонлардир ўзлари учун жуда олисда кўринган чўққиларни шогирдлари забт этаётганидан қувонган ҳолда бор маҳоратларини ишга солиб, сабоқ бермоқдалар.

Хоразм фарзандларининг спортга иштиёқни нақадар баландлигини исботлаш учун биргина далил келтирай. Бугунги кунда вилоят бўйича 362 миң нафардан зиёд ўғил-қиз спортга жалб этилган бўлиб, уларнинг 171 миң нафардан зиёди спорт билан мунтазам шуғулланиб келади. Айни

этишга кўмакдош бўлмоқда. Турли ёт гоғлар, "оммавий маданият" исканжасидан асраб қилишда аҳамияти катта бўлмоқда, — дейди биз билан суҳбатда Хоразм вилоят прокурорининг катта ёрданчиси Наргиза Атаниязова.

Дарҳақиқат, спортчи ўз-лигини англайди. Демакки, ҳақ-хуқуқларини танийди. Ўз-лигини англаган инсон истиқлолимизни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Истиқлол туфайли эркин ва озод фуқарога айланганимиз, улғу миллат, улкан халқ сифатида яна бошимизни баланд кўтариб, тенглар ичра тенг одимлаётганимиз, дунё биз билан бамаънаҳлат иш қўраётганлиги бизнинг болаларимизнинг армиди. Бунинг учун Истиқлолдан миннатдорман!

Қалбакиликка чек қўйилди

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш борасидаги қонун ва қонуности ҳужжатлари билан яратилган қўлай ишбилармонлик муҳитида ишлаб чиқариш, шу жумладан, импорт ўрини босувчи кенг истеъмол молларини ишлаб чиқариш ривожланмоқда. Ишбилармонлар ҳам аҳолининг талаб ва эҳтиёжини ўрганган ҳолда, турли-туман сифатли товарларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйишмоқда. Бозорни хорижийкидан қўлишмайдиغان харидоригр рўзгор буюмлари, кийим-кечак каби маҳсулотлар билан тўлдиришмоқда.

Хусусан, Тошкент шаҳридаги "Raw-invest" МЧЖда ишлаб чиқарилган "Науат" ва "ВВС" товар белгилли шампунлар истеъмолчиларга манзур бўлаётган маҳсулотлар сирасига кирди. Бироқ, сўнгги пайтларда бевосита корхона этказиб бераётган шампуннинг савдоси сустлашди, сифатига эътирозлар билдирилди бошланди. Корхона вакиллари бозорларни мониторинг қилишга киришди. Кўп ўмай Қўқон шаҳридаги бозорларда корхонада ишлаб чиқарилмаган қалбаки "Науат" шампуни сотилаётгани аниқланди. Сотувчилардан сўраб-суриштириб, ушбу маҳсулотни этказиб бераётган А.Хасанов ва Х.Юсуповни топиб, гаплашди.

— Бу ишларинг қонунга зид. Бизнинг товар белгимиз билан қалбаки маҳсулот тайёрлаб сотувга чиқариб, корхонамизни обрўсизлантираёсиз, — дейди МЧЖ раҳбари Ж.Соипов.

— Ака, тушунмасдан, билмасдан шу ишга қўл урибман, — дейди А.Хасанов пушаймон бўлгандай қиёфага кириб. — Ўн беш минг доллар атрофида сарф-харажат қилиб қўйганман. Агар ҳўп десангиз, ускуналарни сотаман, бошқа

шампун чиқармайман.

МЧЖ раҳбари Ж.Соипов рози бўлиб, 15 минг АҚШ долларига ускуналарни сотиб олиб, йўқ қилди. Келаси йили Қўқон шаҳри бозорларини мониторинг қилиб, корхонанинг "ВВС" товар белгиси қўйилган қалбаки шампун сотилаётганига шохид бўлди. Ушбу қалбаки маҳсулотни ҳам А.Хасанов ва Х.Юсуповлар этказиб беришаётгани аён бўлди.

— Яна бизни товар белгимиз билан қалбаки маҳсулот чиқаряпсиз-ку?!

— "ВВС" шампуни ҳам сизга тегишлими? Узр, билмай қолдиман. Майли ака, келишамиз, — дейди А.Хасанов.

— Ҳеч қанақа келишув бўлмайди, энди қонуний жавоб берасиз, — дейди Ж.Соипов.

А.Хасанов қариндошларини ўртага қўйди. Улар "Бу сарфам ҳам кечиринг, келишиб олинглар", дея илтимос қилишди. Корхона раҳбари "энди бурнига сув кирар", деган хаёлда А.Хасановдан 25 млн. сўмга ускуналарни сотиб олади. Бироқ, орадан тўрт ой ўтиб, Қўқон шаҳри бозорларида яна қалбаки "Науат" шампуни сотилаётганининг устидан чиқади. Телефонда А.Хасанов билан боғланади.

Қаҳрамон ЖАЛИЛОВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг
Қўқон шаҳар бўлими бошлиғи

— Мен ишлаб чиқарганим йўқ, — дейди у. — Танишим Хасанбой чиқараётган бўлса керак.

Қалбаки маҳсулот чиқараётган А.Хасанов ва Х.Юсупов Хитойдан олиб келишган дастгоҳларини бу гал ҳам МЧЖ раҳбарига 15 минг АҚШ долларга ўтказмоқчи бўлишди. Бошқа қалбаки маҳсулот ишлаб чиқармаймиз, деган мазмунда тилхат ёзиб беришди.

МЧЖ раҳбарининг аризаси асосида СВОЖЖДЛҚК департаментининг Қўқон шаҳар бўлими, ИИБ ва ДСИ ходимлари ҳамкорликда тадбир ўтказишди. Х.Юсупов "Қўқон" чойхонаси ёнида "МАН" русумли юк машинасига ортилган дастгоҳ, бўш идиш ва қоқоқларни МЧЖ вакилларига топшираётганда ушланди. Келаси кун Тошкент шаҳридан қайтиб келган А.Хасанов департаментнинг шаҳар бўлимида сўроқ қилинди. Х.Юсуповнинг Ўзбекистон тумани "Анваркулимерган" қишлоғидаги ўйидан сотиш учун тайёрлаб қўйилган идишлардаги шампун, этикеткалар, бўш идишлар, қоқоқлар, ярим тайёр маҳсулотлар олинди.

Суд яширин равишда инсон ҳаёти ва соғлиги талабларига жавоб бермайдиган қалбаки шампун ишлаб чиқариб, сотиш билан шуғулланган, қонуний фаолият юритаётган "Raw-invest" МЧЖнинг маҳсулотлари ва товар белгисини обрўсизлантирган А.Хасанов ҳамда Х.Юсуповга қилмишлари мувофиқ жазо тайинланди.

«Ҳамкорлик»

Ақбар ҲАМИДОВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг
Навоий шаҳар бўлими бошлиғи

моғи орқали 6 млн. сўм миқдорда кредит маблағи ажратилди.

Ажратилган пул маблағи тўғридан-тўғри тадбиркорнинг ҳисоб рақамига аслида мавжуд бўлмаган шартномага асосан ноқонуний равишда ўтказилди. Шундан кейин Ж.Ихтиёров муҳр ва штампни ишга солади. Чиким ордерига тадбиркорнинг имзоларини қалбакилаштириб киритган ҳолда ҳисоб рақамидан 6 млн. 200 минг сўм пул маблағини нақдлаштириб олди. Маблағнинг 5 млн. сўмини жинойи шеригига бериб, қолганини ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборди.

Пул топишининг бу йўли Ж.Ихтиёровга ёқиб қолди, шекилли, у энди Қизилтепа энгил саноат коллежи битирувчиси билан паррандачилик фаолиятини ривожлантириш тўғрисидаги шартномани имзолади.

Шартномага биноан коллеж битирувчисининг номига 2 йил мuddатга йиллик 14 фоиз устама тўлаш шarti билан, кредит линияси очилмасдан, банкнинг электрон дастур тармоғи орқали 7 млн. сўм миқдорда кредит маблағи ажратилиб, яна тадбиркорнинг ҳисоб рақамига ўтказилди. Ўз навбатида, ҳисоб рақамга ўтказилган пул маблағи нақдлаштирилиб, ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан талон-торож қилинди.

Ҳар ишининг ҳам охири бор. Ж.Ихтиёров ДТ "Халқ банки" Навоий шаҳар филиали бинаси ёнида муҳр ва штампни тадбиркорга қайтараётганда СВОЖЖДЛҚК департаментининг Навоий шаҳар бўлими ходимлари томонидан ашёвий далиллар билан қўлга тушди.

Шу тариқа жинойи "ҳамкорлик" фош этилди. Судланувчилар Ж.Ихтиёров ҳамда унинг жинойи шериги С.Мавлонов судир этган жиноятлариغا яраша жазо олишди.

Санобар Нодирова кўп йиллардан буён Жомбой туман халқ таълими муассасаларини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мактабгача таълим методисти вазифасида ишлаб келаётган эди. Бу йиллар давомида Санобар жамоа орасида ҳурмат қозонди, обрў топди. Аммо кейинги пайтларда у бироз ўзгарди.

«Харажат»га ўрганган нафс

Қувондик БЕКМИРЗАЕВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг
Янгибод туман бўлими бошлиғи

Маълум бўлишича, қатъиятдан устун келган нафс уни ҳар қўйга сола бошлаган экан. Пул, бойликка руҳу қўйди, турли баҳоналар билан қўл остидаги ходимлар, мактабгача таълим муассасалари мудириларидан пул ола бошлади. Бир кун 25-мактабгача таълим муассасаси мудираси Малика Нормуродовага қўнғироқ қилди:

— Юқоридан текширувчилар келган, — дея гап бошлади қатъиятли оҳангда Санобар. — Харажатлар кўпайиб кетди. Шунинг учун 150 минг сўм бермасангиз бўлмайди.

— Ўзи яқинда пул сўраган эдингиз, яна пул деясиз. Мен бунча пулни қаердан оламан? — деди бироз асабийлашган Малика. — Инсоф ҳам керакда, ахир!

— Нима, мен бу пулни ўзим учун сўраяманми, жahl қиласиз, — овозини баландлатди Санобар. — Ишляпсизми, берасиз-да! Ё текширувчиларни муассасангизга юборайми?

Санобар жahl билан телефонни ўчириб қўйди. Мудир аса кечгача ўйлиниб юрди. "Нима қилсам экан. Берсам, кўп ўтмай яна сўрайди. Бермасам... Кел, қўй, шу билан тортишмай!"

Кеч бўлганида Малика Санобарнинг хонасига кириб келди. Аммо у йўқ экан. Қўнғироқ қилди:

— Айтган пулингизнинг 100 минг сўмини олиб келган эдим, нима қилай?

— Шуниям тўғрилаб келмабсиз-да?! Майли, котибага ташлаб кетинг.

Малика пулни бериб кетди. Орадан анча вақт ўтди. Кунларнинг бирида Санобар Маликани хонасига чақирди.

— Гап бундай, — салобат билан гап бошлади Санобар. — Текширувчилар келган. Биринки кун бўлишаркан. Шунинг учун харажат анча катта, ёрдам қилмасангиз бўлмайди.

Бугун юртимизда жисмонан ва маънан баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган ислохотлар жадаллик билан амалга оширилмоқда. Бу борада эришган муваффақиятларимиз нафақат халқимиз, балки дунё ҳамжамияти томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

«Домла»нинг қилмиши

Исроил АДҲАМОВ,
Бш прокуратура ҳузурдаги
СВОЖЖДЛҚК департаменти бўлим катта инспектори

Соҳада олиб борилган ислохотлар самараси ўлароқ, яхлит ва узлуксиз таълим тизими шакллантирилди. Жумладан, умумий ўрта таълимдан бошлаб ўрта махсус, касб-хунар ҳамда олий таълимгача бўлган барча босқичларда юксак билимли ва малакали кадрларни тайёрлашга қаратилган чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.


Афсуски, мана шундай юксак эътибор ва гамхўрликларга қарамастан таълим беришни эмас, қаллобликни афзал қўраётган кимсалар ҳам учраб турибди. Жумладан, СВОЖЖДЛҚК департаментининг тезкор ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда Самарқанд Давлат университетини тарих факультетининг талабаси Собир Нуртоевнинг пори олди-бердисиди ва воситачилигига чек қўйилди. У фуқаролар Асрор Ҳилолов ва Зухриддин Бешимовдан (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ўқишга киритиб қўйишни ваъда қилиб, пора олиш ва беришда воситачилик қилиб, уларнинг ҳар биридан 10 минг АҚШ долларидан олади. Бу пулларни мазкур факультетнинг декани Шонслом Куртовга пора тариксиде бермоқчи бўлган вақтда ҳар иккиси ҳам ушланди.

Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, суд томонидан уларга нисбатан тегишли жазо тайинланди.



Жасур Ихтиёров 2014 йилнинг кузида ДТ "Халқ банки" Навоий шаҳар филиалининг кредит бўлими бошлиғи вазифасига тайинланди. Аввалига барчанинг ҳурматини қозониб, касбига садоқат билан иш бошлаган Ж.Ихтиёров кўп ўтмай нафсининг йўлига юриб, жинойи режа тузди. Атрофига ўзига яқин фуқароларни йиғди. Филмалда янги ҳисоб рақамини очиб, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни бошлаган ми-жоз билан яқиндан танишиб, Бу танишув ўз навбатида Ж.Ихтиёровнинг келгусидаги гаражи ниятларини амалга оширишга қўл келди. Ниҳоят унга шунчалар ишондики, турли банк операцияларида келиб юрмаслик учун Ж.Ихтиёровга ўзига тегишли муҳр ва штампни бериб юборди. Ж.Ихтиёров эса вақтнинг «беҳуда» ўтказмади.


Банк маблағларини талон-торож қилиш мақсадида таниш фуқаролар (жиноят ишининг уларга нисбатан қисми тугатилган) билан олдиндан жинойи тил бириктириб, Кармана озиқ-овқат саноати ва меҳмонхона хўжалиғи касб-хунар коллежи битирувчиси билан паррандачилик фаолиятини ривожлантириш тўғрисидаги тегишли шартномани расмийлаштирди. Шартномага биноан, коллеж битирувчисига 2 йил мuddатга йиллик 14 фоиз устама тўлаш шarti билан, ҳатто кредит линияси очилмасдан, электрон дастур тар-



Варанга «Манчестер Юнайтед» қизиқмоқда

Мадридинг "Реал" клуби ҳимоячиси Рафаэль Варан Англиянинг "Манчестер Юнайтед" жамоаси қизиқишлари доирасига тушиб қолди.

Франциялик 23 ёшли футболчи ЕЧЛ доирасидаги "Манчестер Сити" клубига қарши ҳар икки ярим финал ўйинларида иштирок этмади. Хабар қилинишича, футболчи майдонга тушмаётганлигидан норози.




Дарвозабонлар мураббийи туфайли...

Лондоннинг "Челси" клуби дарвозабонлар мураббийи Кристоф Лоллишон билан жамоа посбони Тибо Куртуа ўртасидаги совуқ муносабат яқунда бельгиялик дарвозабоннинг клубдан кетиши билан тугаши мумкин.

Хабар қилинишича, Куртуага Лоллишон билан ишлаш ёқмайди. Мураббий жамоанинг собиқ посбони Петр Чех билан жуда яхши муносабатда бўлган, Куртуага эса унинг иш услуби тўғри келмайпти.

Эслатиб ўтамиз, ёзда "Челси" клубига Антонио Конте бош мураббий бўлиб келади. Италиялик мутахассис ўзи билан бир неча ёрдамчилар олиб келишига қарамасдан Лоллишон клубда ишлашда давом этмоқда.



Моуриньо Ўзилни «МЮ»га олиб келмоқчи

Португалиялик мутахассис Жозе Моуриньо "Манчестер Юнайтед" клубини қабул қилиб оладиган бўлса, "Арсенал" жамоаси ярим ҳимоячиси Месут Ўзилни клубга олиб келишни режалаштирмоқда. Бу ҳақда "The Mirror" хабар тарқатган.

Манбага кўра, Моуриньо Ўзилга манкунианликларнинг асосий трансфери сифатида қарамоқда.

Терри Хитой клубига ўтиши мумкин

"Челси" клуби ҳимоячиси Жон Терри фаолиятини Хитой клубларидан бирида давом эттириши мумкин.



Манбага кўра, футболчининг ўзи яқин дўстларига Хитой Суперлигаси клубларидан бири билан шартнома имзолашга яқин тургани ҳақида айтган. Терри янги жамоасида йилга 12 миллион фунт маош олиши тахмин қилинмоқда. Унга "Гуанчжоу Эвергранд" ва "Цзянсу Сунин" клублари давogarлик қилишмоқда.

Эслатиб ўтамиз, Жон Террининг "Челси" клуби билан амалдаги шартномаси шу йилнинг ёзда якунига етади.

Бен-Арфа «Барселона» билан музокара ўтказмоқда

Франциянинг "Ницца" клуби ярим ҳимоячиси Хотам Бен-Арфа Испаниянинг "Барселона" жамоаси билан музокара юритиш мақсадида Каталонияга учиб келди.

Эслатиб ўтамиз, ярим ҳимоячи ёзда эркин агент мақомига эга бўлади ва фаолиятини ўзи истаган клубда давом эттириши мумкин. Каталонияликлар Бен-Арфадан Месси, Суарес ва Неймарга ўринбосар бўла оладиган захира футболчиси сифатида фойдаланишмоқчи.

Бен-Арфа Франция чемпионатида 33 ўйинда 17 та гол урган ва 6 та голли узатмага муаллифлик қилган.



40+40 миллион евролик шартнома

Португалиянинг "Бенфика" клуби ярим ҳимоячиси Ренату Саншеш мавсум якунида Англиянинг "Манчестер Юнайтед" жамоасига ўтишга яқин турибди.

Хабар қилинишича, Португалия терма жамоасининг 18 ёшли футболчиси 40 миллион евро эвазига "МЮ" томонидан сотиб олинади. Яна шунча маблағ Саншешнинг муваффақиятли ўйини эвазига "Бенфика" клубига тўлаб берилиши мумкин.

Эслатиб ўтамиз, ярим ҳимоячи жорий мавсум Португалия чемпионати доирасида 24 та ўйинда майдонга тушган ва 2 та гол уриб, битта голли узатмани амалга оширган.



Гризмани — Франциянинг хориждаги энг яхши футболчиси

Франция профессионал футболчилар ассоциацияси икк марта хорижда тўп сураётган энг яхши футболчини аниқлади.

Унга кўра, Мадридинг "Атлетико" клуби ҳужумчиси Антуан Гризманн ушбу мукофотга лойиқ кўрилди. Франциянинг хориждаги энг яхши легионери номига, шунингдек, "Реал" клуби ҳужумчиси Бензема, "Вест Хэм" жамоаси ярим ҳимоячиси Дмитри Пайе ва "Ювентус" клуби ярим ҳимоячиси Пол Погба ҳам даъвогарлик қилган эди.

Эслатиб ўтамиз, Гризманн жорий мавсумда "Атлетико"га Чемпионлар лигаси финалига чиқишга ёрдам берди ва 51 та ўйинда майдонга тушиб, 31 та гол киритди.

Мейвезер яна рингда, фақат...

Ўтган йили фаолиятини яқунлаган беш вазн тоифасининг собиқ жаҳон чемпиони, америкалик боксчи Флойд Мейвезер энди MMA жангчиси бўлиб рингда қайтиши мумкин. Собиқ боксчи UFC чемпионини Конон Макгрегор билан жанг бўлиши мумкинлигини таъкидлаб ўтган. Бу ҳақда у ўзининг инстаграм саҳифасида маълум қилиб ўтган.

Тез орада бокс қоидалари асосида жанг ўтказадилар. Ўртага эса рекорд сумма — 1 млрд. доллар қўйилади.

Интернет хабарлари асосида Мақсудали ҚАМБАРОВ тайёрлади

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридagi СВОЖДЛҚК департаменти ҳамда Фарғона вилоят бошқармаси жамоаси департаментнинг Фарғона вилоят бошқармаси бошлиғи ўринбосари Аҳмадjon Гафуровга онаси

Ўрнжон аянинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Huquq

yuridik gazeta
Muassis:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir: Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:
Hakimboy HALIMOV Baxtiyor NAZAROV
Gulnoza RAHIMOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)
Kamoliddin ASQAROV (mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:

Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,
Faks: 233-10-53,
233-64-85

E-mail:
huquq@huquq-gazeta.uz

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqdir qilinmaydi va apalariга qaytarilmaydi.
Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
□ — tijorat materiali.
Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi
231

Buyurtma S-5923. 43 711 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: G'.ALIMOV
Sahifalovchi: S.BABAJANOV
Navbatchi: O'.DEHQANOV

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta «O'zbekiston» nashriyat matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxonaga manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617



9 772010 761004